Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 9-IYUN, PAYSHANBA, 23 (655)-SON

e-mail: xxi_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz

25 йил

## ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

"ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕРЛАРИ - ДУНЁ ЭЪТИРОФИДА"

## МАҚСАДЛИ ВА МАНЗИЛЛИ ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Хабарингиз бор, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ва "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси ҳамкорликда Президентимизнинг "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг ижросини таъминлаш, мазкур соҳадаги долзарб вазифаларни таҳлил қилиш мақсадида ҳудудларда амалий семинарлар уюштирмоқда.

Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги "Истиқлол" фермер хўжалигида ана шу йўналишда ўтказилган навбатдаги минтақавий семинарда хоразмлик ва қорақалпоғистонлик қишлоқ мулкдорлари, мева-сабзавотчилик ва унинг экспорти билан шуғулланаётган тадбиркорлар, соҳа мутахассислари ва мутасаддилари иштирок этди. Тадбир доирасида замонавий ускуналар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

O'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Б.Менглиев кириш сўзи билан очган амалий мулоқотда асосий эътибор истеъмолбоп ҳамда экспортбоп мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарларининг бу борадаги касбий, ҳуқуқий билим ва малакаларини ошириш, илғор тажриба ва технологияларни тарғиб қилишга қаратилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари М.Акромованинг маърузасида аграр тармоқда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар туфайли ўтган йили 12,5 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ва картошка, 2 миллион тонна полиз, 1,5 миллион тонна узум, 2,7 миллион тонна мева етиштирилгани, уларнинг муайян қисми экспорт қилингани таъкидланди. Айни кунда 230 корхона қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишламоқда. Уларни модернизациялаш, янгиларини барпо этиш юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда.

Минтақавий мулоқотда "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компаниясининг Хоразм вилоятидаги вакиллиги раҳбари Я.Алламов "Ҳўл мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмаларини ҳудудлар кесимида қайта ишлаш корхоналарини хомашё билан барқарор таъминлаш, ички ва ташқи бозор талаб ҳамда таклифлари асосида шакллантиришнинг долзарб масалалари" мавзуида сўз юритди. Бу йўналишда ягона инвестиция, технология, ишлаб чиқариш, хўжалик, молиявий ва илмий-амалий тадбирлар мажмуасини амалга ошириш, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бўйича прогнозлар, лимитлар, ресурслар, кредитлар, мақсадли ва манзилли дастурлар тизимини яратишга оид масалаларга урғу берди.

Баҳс-мунозараларда Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги "Саъдулла Қурбон" фермер хўжалиги раиси С.Қурбонов, Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги "Нурулла фермер" фермер хўжалиги раиси Н.Нуруллаев ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда қайта ишлаш корхоналарини сифатли хомашё билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини сара мева-сабзавот билан барқарор тўлдириш, ташқи бозорга харидоргир ва рақобатбардош маҳсулотлар экспорт қилиш борасида яратилган имкониятлар соҳа ривожи учун ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидладилар.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**"XXI asr" мухбири**



Азалдан қайси юртда тинчлик-осойишталик ҳукм сурган бўлса, шу ўлкадан сайёҳу ишбилармонлар, тужжору меҳмонлар қадами узилмаган. Қайси бир мамлакатнинг маҳаллий маҳсулоти сифатли бўлса, довруғ таратган, ҳатто тиллога тенг баҳоланган.

## ТУПРОҒИДА ОЛТИН ГУЛЛАР БУ ЮРТНИНГ!

Дарҳақиқат, энг улуғ ва энг азиз Мустақиллик шарофати туфайли чорак асрки, жаннатмонанд Ўзбекистонимиз шон-шавкатини дунёга кўз-кўз қилса арзийдиган бебаҳо маънавий бойликларимиздан ташқари, ер ости ва ер усти неъматларимиз сони ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Жаҳонда сифат даражаси энг юқори деб баҳоланаётган олтину кўҳна Самарқанд қоғозини айтайликми, хориж бозорларида харидоргир бўлган пахтамизу қоракўл тери, шириндан шакар мева-чева, узуму, тилими тилни ёргулик қовун-тарвузларимиз, автомобилсозлик саноатида эришилган улкан муваффақиятлар, хуллас, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган муҳр остида дадил одимлар билан дунё бозоридан мустаҳкам жой эгалланаётгани қалбимизни фахру ифтихорга тўлдиради.

– Муҳтарам Президентимиз имзолаган 1991 йил 29 ноябрдаги "Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги тарихий Фармон чоп этилган газетани ҳамон уйим тўрида сақлайман, – дейди оҳангаронлик кекса отахон, O'zLiDeP аъзоси Аваз ака Азимов. – Чунки бу ҳужжат Ўзбекистонимиздаги мен каби минглаб оилалар тақдирини ўзгартирган, мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини, қишлоқда хусусий мулкчилик шаклларини бошлаб берганлиги билан ғоят қадрлидир. Тўғри, аввалги даврлардаям далада ишлаганман. Лекин бор ҳақиқатни айтишим керак, тинимсиз меҳнат қилган билан ҳеч қачон биримиз икки бўлмаган. 1991 йилнинг охирида фермер бўлиб, 60 гектардан ортиқ ерга эгалик қилганимдан кейингина рўзғоримга хайр-барака кирди. Туманимиз асосан боғдорчилик, ғаллачилик, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган эмасми, дастлабки йилиёқ тайёрлов ташкилотлари буюртмасидан ташқари 50 тоннага яқин ғалла, 200 тоннадан ортиқ пиёз, 50 тоннадан ортиқ картошка, тонналаб мева-чева етиштирганмиз. Ва ўшандаёқ истиқлолнинг эртаси ёруғ бўлишига ишонч пайдо бўлган.

Президентимизнинг 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида" Қарорини ўқиб, кўз олдимдан бундан 24 йил аввалги ҳолатлар ҳам ўтди. У кунлар энди тарихга айланди. Машаққатли даврларни ҳам бошимиздан кечирдик. Лекин Юртбошимизнинг "Ўзбекистон – келажаги буюк давлат!" дея баралла айтган мардона даъвати ҳар биримизни руҳлантирган. Ўтган қисқа, лекин асрларга татигулик йиллар ичида қишлоқ хўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракати учун катта имкониятлар яратилгани, ҳозирги кунда фермерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини етказиб бериш билан бирга, юртимиз тараққиётида ҳал қилувчи етакчи кучга айланиб бораётгани қувонарли. Эслайлик, яқин йилларгача донни, картошка, гўшт, сутни четдан олиб келган мамлакат қисқа муддатда унинг экспортчисига айланиши дунё тажрибасида кам учрайдиган ҳодиса эмасми? Биз фермерлар орзу қилган кунлар келди: ўз пешона теримиз билан етиштирган сабзавот, полиз, боғдорчилик маҳсулотларимизни хорижга экспорт қилиш даражасига етдик.

2▸

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтмоқда.

## САЙЛОВЛАР СИНОВГА АЙЛАНЯПТИ

Жиззах вилоятида ҳам сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар, ишчи гуруҳлари ўз фаолиятларини демократик тамойиллар асосида йўлга қўйишган. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари дадил одим ташланаётган бугунги шароитда маҳаллага раис бўлиб, унинг залворли юкини кўтариш осон кечмайди, албатта. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлашда қонун устуворлиги, ошкоралик, муқобиллик ва тенглик тамойиллари таъминланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сайлов жараёнини бевосита кузатиб, бу ҳақда мулоҳаза юритар эканмиз, Президентимизнинг қуйидаги сўзлари беихтиёр ёдга тушади: "Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта "маҳалла" тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди. Маҳалла бошқарувига бундай катта эътибор бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллигидан далолат беради".

– Вилоятимизда мавжуд 304 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг барчасида сайловга пухта ҳозирлик кўрилди, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими мутахассиси Мансур Тойиров. – Жумладан, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга масъул давлат, жамоат ташкилотлари вакилларининг амалдаги қонунларга сўнгги йилларда киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга оид билимларини ошириш мақсадида кенг қамровли ўқувлар ва кўргазмали семинарлар ташкил этилди. Бугун овоз берилаётган ҳар бир раис ва маслаҳатчи муайян ҳудудда аҳолининг турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўзига хос ўрин тутишини барча яхши англамоқда. Шу боис ҳурмат-эътиборга эга, фаол, сиёсий ва иқтисодий жабҳаларда кечаётган ислоҳотларни теран англайдиган муносиб юртдошларимизга овоз берилаяпти.

2▸

"ЁШЛАР ҚАНОТИ"

## ҲАРАКАТ ДАСТУРИГА МОС САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 2016 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурида ёшлар билан ишлаш йўналишлари ҳам аниқ белгилаб берилган. Табиийки, "Ёшлар қаноти"нинг саъй-ҳаракатлари мана шу режаларни ўз вақтида бажаришга йўналтирилган. Хусусан, Сайловолди платформасидан келиб чиққан ҳолда келажак эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятининг ўсишига кўмаклашиш, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда фаол иштирок этишларига кўмаклашишга қаратилган "Миллий парламентаризм ривожи ёшлар нигоҳида", "Ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ўрни", "Ёшлар ва қонунчилик" сингари лойиҳалар амалга оширилмоқда.

4▸

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 30 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2145,89 | 1 АҚШ доллари | 2929,14 | 1 Хитой юани | 446,26 | 1 Польша злотийси | 757,84 | 1 ЕВРО | 3305,15 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4212,1 | 1 Миср фунти | 329,86 | 1 Россия рубли | 43,81 | 1 СДР | 4107,33 | 10 Жанубий Корея вони | 25,1 |
| 1 Дания кронаси | 446,48 | 1 Исландия кронаси | 23,85 | 1 Украина гривнаси | 117,16 | 1 Туркия лираси | 1009,6 | 10 Япония иенаси | 273,83 |
| 1 БАА дирҳами | 797,48 | 1 Канада доллари | 2258,4 | 1 Малайзия ринггити | 714,42 | 1 Швейцария франки | 2998,4 | | |

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Бир маҳаллар қишлоқ шароити эмасми, қандай қилиб ўғил-қизларга тўй қиламиз, уй қурамиз, машина минамиз, деб бошимиз қотар эди. Энди қаранг, бирор жойга отлансак, улов тайёр, бир хонадонда бўлмаса битта, борида иккитадан машина бор. Булар кимнинг тушига кирганди, айтинг. Ёшим 70 га бораётган бўлса-да, ҳалиям дала айланаман. Шавкат ўғлимга ерни ворис сифатида топширганману, лекин тинч ўтиролмайман, ғайратим жўшиб, ишлагим келаверади.

монларга бўлган эътибор, улар учун кенг имкониятлар, имтиёзлар мужассамдир. Юртимизда шаклланган ана шундай эркин ишбилармонлик муҳити хорижий ҳамкорлар билан алоқаларимизни янада кенгайтирмоқда.

Тошкент вилоятида бугунги кунда қарийб 40 мингга яқин тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилаётгани боис, ўтган 2015 йили 2 миллион тоннадан ортиқ сабзавот, 400 минг тонна картошка,



# ТУПРОҒИДА ОЛТИН ГУЛЛАР БУ ЮРТНИНГ!

– Тўғри, 25 йиллик муддат тарих саҳифасида жуда қисқа фурсат ҳисобланади. Лекин, бир замонлар аграр республика деб қаралган Ўзбекистонимиз мисолида, тасаввур қилайлик, ана шу давр тарихий аҳамиятга эга эканлигини ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз, – дейди Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган "Бер-Ад" хусусий корхонаси раҳбари, O'zLeDeP аъзоси, Мирраҳим Одилов. – Шу ўринда Президентимизнинг жорий йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг нақадар оқилона ва ўз вақтида қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Негаки, бизнинг замин саховатли ва ҳосилдор, тўрт фаслда ҳам она табиат инъомларидан баҳраманд бўлиш имконияти мавжуд. Фақат бундан тўғри фойдалана олсаккина, дастурхонимиз тўкин бўлади.

Биз ҳар йили қарийб 5 минг тонна меҳнаткаш деҳқону соҳибкор боғбонларимиз етиштирган узум, мева ҳамда сабзавотларни қайта ишлаб, қуруқ ҳолида, жаҳон андозалари асосида бежирим қадоқланган тарзда АҚШ, Англия, Германия, Италия, ҳатто Лотин Америкаси мамлакатларига экспорт қилаяпмиз. Эътиборлиси, тоғли Паркентнинг бир сўлим қишлоғида жойлашган корхона бугун Европа бозорида қуритилган булғор қалампирига бўлган эҳтиёжнинг ўн фоизидан кўпроғини етказиб бераётганини, кўп эмас, йигирма йил ким тасаввур қилган эди? Бундай ютуқлар замирида мамлакатимизда тадбиркор-ишбилар-

200 минг тоннадан зиёд мева, сал кам 170 минг тонна узум етиштирилди. Бугунги кунда вилоятда боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган 2 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Эътиборлиси, боғбон ва соҳибкорлар етиштирган маҳсулотлар нафақат Тошкент шаҳри бозорларида, балки йирик савдо марказларида сотилмоқда, хорижга экспорт қилинмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати, ҳар бир боғдорчилик ёки узумчилик фермер хўжалигида аграр йўналишга ихтисослашган касб-ҳунар коллежини тугатган беш нафаргача ёш йигит-қизнинг иш билан таъминлангани қувонарли ҳолдир. Жойларда кўп тармоқли фермер хўжаликлари сонининг ортиб бориши ва қишлоқларда қайта ишлаш корхоналарининг ишга тушаётгани етиштирилаётган мева-чеваларимизни қайта ишлаб, уларни тайёр маҳсулот ҳолида сотилаётгани эвазига маҳсулот нобудгарчилигининг олди олиниб, деҳқонларнинг иқтисодий манфаатдорлиги ортаяпти. Айниқса, фермерлар етиштирган маҳсулотларни хорижий давлатларга экспорт қилишга шароит яратиш мақсадида экспорт билан шуғулланувчи ихтисослашган кичик ва хусусий бизнес субъектлари маҳсулотлари экспортига кўмаклашувчи жамғарма, "Ўзагроэкспорт" ташкилотларининг фаолияти мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти салмоғининг йилдан-йилга ортиб боришига замин яратмоқда.

– Республикамизда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда, – дейди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бош мутахассиси Жамолиддин Эшниёзов. – Республикамизда мева етиштириш салмоғини ошириш, унинг экспортини кўпайтириш мақсадида 32 минг гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар ташкил этилиб, бу йил аксарият майдонлардаги мевали дарахтлар тўлиқ ҳосилга кирди.

Ички бозоримизни мева ҳамда полиз, сабзавот маҳсулотлари билан тўла таъминлаган ҳолда ҳар йили сал кам 5 миллиард АҚШ долларига тенг мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинмоқда. Рақамлар сўнгги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти ҳажми республикамизда 3 баробардан ошганини кўрсатмоқда. Хусусан, ўтган йили Ўзбекистондан Россия Федерациясига мева, узум, сабзавот маҳсулотлари ҳажми сезиларли даражада ошган эди. Умуман, 2004-2013 йилларда республикамизда сабзавот етиштириш доллар ҳисобида 7,7 баробар, мева етиштириш 5,1 карра, полиз маҳсулотлари 7,8 марта, узум 8,7 баробар ўсгани унинг экспорт салмоғи ортишига сабаб бўлаяпти. 2020 йилга бориб эса мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштириш даражаси 2014 йилга нисбатан 2,3 марта кўпайтириш режалаштирилган.

– Дунёнинг кўплаб давлатларида, хусусан Шарқий Осиё мамлакатларида компаниямиз ўзининг гипермаркетлар тармоғига эга, – дейди Жанубий Кореянинг "LOTTE MART" компанияси бош менежери Хонг Йен Бин. – Кузатишларимиз Ўзбекистонда етиштирилаётган мева, узум, гилос ва бошқа маҳсулотларга дунё бозорида талаб ортаётганини кўрсатаяпти. Жумладан, Корея Республикасида ҳам. Навоий эркин индустриал иқтисодий ҳудуди орқали ўтган йили Ўзбекистондан Кореяга 200 тоннадан ортиқ гилос экспорт қилинган эди. Жорий йилда Ўзбекистондан йилига 2000 тонна анор, 150 тонна саримсоқпиёз, шунингдек, келажакда қовун ҳамда гилос сотиб олиш тўғрисида шартномалар имзоладик. Бунинг учун биз билан манфаатли ҳамкорлик ўрнатишни таклиф этган Ўзбекистоннинг Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасига самимий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Дарвоқе, бугун дунёнинг турли минтақаларида содир бўлаётган нотинчликлар, молиявий бўҳронлар батафсил таҳлил этилиб, чора-тадбирлар изланаётган бир пайтда бизнинг Ўзбекистонимизда барқарор бўлган тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик, фаровонлик, тўкинчиликка ҳавас билан қараётганлар беҳисоб. Бир сўз билан айтганда, маҳалласи юртнинг ойнаси бўлган, ёшу қариси қадрланиб, эъзоз топган, Амир Темур бобомиз таъбири билан айтганда, бажариладиган буюк ишларни доимо машварат йўли билан ҳал этадиган, шоирона ибора билан таъриф берилган тупроғида олтин гуллайдиган бундай юртни ҳар қанча севсак, қадрласак арзийди.

**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
**"XXI asr" мухбири**

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Дарҳақиқат, маҳалла маънавий барқарорликни таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ободонлаштириш, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш каби ўнлаб масалаларни ҳал этишнинг қулай, самарадор ва халқчил тизимидир. Шу маънода, ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этувчи мазкур ижтимоий-сиёсий тадбирларда аҳоли фаоллик билан

# САЙЛОВЛАР СИНОВГА АЙЛАНЯПТИ

иштирок этаётир. Ушбу жиҳат давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари чуқурлашиб бораётгани белгиси ҳамдир.

– Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг депутати сифатида Жиззах шаҳри маҳаллаларидаги сайловларда иштирок этаяпман, – дейди сайловга кўмаклашувчи комиссия раиси, O`zLiDeP фаоли Олимжон Суванов. – Айни пайтда шаҳардаги 34 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг барчасида сайловлар бўлиб ўтди. Маҳалла етакчилигига сайланганларнинг деярли барчаси олий маълумотли. "Учариқ", "Желли-гулли", Сайилжойи, Алишер Навоий номли, "Раваллиқ, "Хайробод", "Наврўз", "Заргарлик", "Кимёгар" МФЙ раислигига сайланган Қосим Оқилов, Наримбой Ғозиев, Баҳриддин Гулмуродов, Анвар Жабборов, Исмат Мирзаев, Дилшод Орифжонов, Дувлан Эшқулов, Саъдулла Мелибоев, Шароф Ғаниевлар шулар жумласидандир.

Очиқ-ошкора ўтказилаётган сайловларда муваффақият қозониб, маҳалла етакчилигига муносиб кўрилганларни вакиллар қизғин кутиб олишяпти. Йиғинларнинг янги раислари эса "Халқимга, маҳалламга хизмат қиламан", деган ваъдани бериб юксак масъулиятни ўз зиммаларига олишмоқда. Халқ ишончини оқлаш осон иш эмас. Бунинг учун маҳалла раислари ташкилотчилик, ташаббускорлик кўрсатиб меҳнат қилишлари талаб қилинади. Биз маҳаллалар раислигига сайланганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, қонун ҳужжатларини уларнинг онгига чуқур сингдириб боришимиз зарур.

Депутат айтаётган гапларда жон бор. Чунки ҳар икки ярим йилда бир марта ўтказиладиган бу сиёсий жараён ҳар бир маҳалла, демакки, ҳар бир хонадоннинг бугуни ва эртасига бевосита дахлдор. Энг муҳими, жойларда фуқароларнинг маҳаллага бўлган ишончи тобора мустаҳкамланиб бораяпти. Бу эса мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бораётганининг, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилганининг, улар бугун ўзини ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия мактаби сифатида кенг кўламли фаолият олиб бораётганининг яққол далолатидир.

**Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,**
**"XXI asr" мухбири**

# МУНОСИБЛАР САЙЛАНДИ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Марғилон шаҳридаги 54 та маҳаллада ҳам фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови демократик тамойиллар асосида ўтказилмоқда.

Наврўз маҳалласидаги 1396 та оилада 6217 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бўлиб ўтган сайловда улар замонамизнинг илғор, ташаббускор кишилари эканликларини намойиш этдилар. Сайлов натижаларига кўра, номзодлар орасида энг муносиб, деб топилган ҳамда фуқаролар вакилларининг 51,1 фоиз овозини олишга эришган Анваржон Тожибоев ушбу маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди.

– Маҳалладошларим томонидан билдирилган юксак ишонч зиммамга катта масъулият юклайди, – дейди А.Тожибоев. – Келгусида маҳалламизни янада обод қилиш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий бизнесни ривожлантириш, бандликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратаман. Самарали саъй-ҳаракатларимизда, албатта, янги сайланган 13 нафар маслаҳатчи билан баҳамжиҳат иш олиб борамиз.

Марғилон шаҳридаги "Хўжа Порсо" маҳалласида ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилди. Унда маҳаллада яшовчи 6480 нафар аҳолидан 82 нафар вакил иштирок этди.

Номзодлар орасидан энг муносиб деб топилган ҳамда сайловчиларнинг 64 фоиз овозига эга бўлган Машрабжон Собиржонов раис этиб сайланди. Шу куни маҳалла аҳли раиснинг 9 нафар маслаҳатчисини ҳам сайлаб олишди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

# УЛУҒ НЕЪМАТНИНГ ҚАДРИ ҲАМ УЛУҒ

**Ушбу эзгу ғоя замирида миллий давлатчилигимиз, ўзлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизнинг тикланиши мужассам, десак асло муболаға бўлмайди. Шу улуғ ниятдан келиб чиқиб, дунёда "ўзбек модели" деб эътироф этилган, тараққиётимизнинг машҳур беш тамойилига асосланган ривожланиш стратегиямизнинг реал натижаларини янада чуқур идрок этамиз.**



**Тўлқинжон КАРИМОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Қувонарлиси шундаки, қайси бир жабҳани олманг, у таълим соҳасими, соғлиқни сақлаш, саноат ё тадбиркорликми, ундаги изчил ривожланишни, соҳа вакилларининг эса ўз меҳнатидан мамнун, эртанги кунидан кўнгли тўқ эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Дарвоқе, юртимизнинг яқин ўтмишига назар солиш – қолоқ аграр республика бўлган, иқтисодиётнинг асосини пахтачилик ва пахтани қайта ишлаш саноати ташкил этган Ўзбекистоннинг бугунги кунда нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқлар тез суръатлар билан ривожланаётган, куч-қудрат ва салоҳияти юксалиб бораётган мамлакатга айланганлигини кўришимиз мумкин.

Ўлкамизда озиқ-овқат мустақиллигини таъминлашни, қишлоқ тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олган ва бугун қудратли ижтимоий-сиёсий ҳаракатга айланган фермерлик ҳаракати фаолияти йўналишлари партиямизнинг дастурий вазифалари билан ҳамоҳанглиги жиҳатидан ҳам эътиборлидир. Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини етказиб бераётгани, юртимиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат товарлари, аввало, дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 1990 йилда импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётгани, ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли – 1,4 баробар, сут ва сут маҳсулотлари – 1,5 карра, картошка – 1,9 марта, сабзавот – 2,6 баробардан ортиқ, мева 6,3 марта кўпайгани мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун мустаҳкам пойдевор яратилганини исботлайди.

Истиқлол йилларида миллий ва маънавий қадриятларимизнинг тикланиши – кексаларга, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш билан уйғун равишда амалга оширилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барча вилоят, шаҳар ва туманларимизда 300 га яқин мусиқа ва санъат мактаблари, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншоотлари бунёд этилгани, сўнгги ўн йилда болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етганини алоҳида таъкидлаш зарур. Замонавий, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган янги авлоднинг шаклланганини юқорида келтирилган эътибор ва ғамхўрликнинг натижасидир.

Яна бир қувончли манзара, юртимизга дунё ҳамжамиятнинг қизиқиши тобора ортиб, ташриф буюраётган сайёҳлар салмоғи ошиб бораётгани сир эмас. Бунинг асосий сабаби мамлакатимиздаги тинчликнинг устуворлиги ва барқарор тараққиёт кўрсаткичлари бўлса, иккинчидан, заминимизнинг тарихий обида ва қадамжойларга бойлиги, шаҳар ва қишлоқларимиз йилдан йилга гўзал ва обод бўлиб бораётгани, қолаверса, меҳмондўст ва бағрикенг халқимиз эканлиги қувонарлидир.

Мустақиллик байрамида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг, чегараларимиз дахлсизлигини асрашнинг, атрофимиздаги давлатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамланишининг беқиёс аҳамиятини, бугунги таҳликали замонда огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб яшаш долзарб вазифамиз эканлигини ҳар бир юртдошимиз чуқур англамоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистонимизнинг ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслиги, юртимиз ҳудудида чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига, ҳарбийларимизнинг хорижий мамлакатлардаги жанговор операцияларда қатнашишига йўл қўймаслик бўйича қонуний асосда белгилаб олинган қатъий позицияси эришилаётган ютуқ ва марраларимизнинг бош омили бўлган мустақиллигимизни ва тинчлигимизни кўз қорачиғидек асрашга даъватдир.

Бугун мустақиллик моҳиятини англаш, миллий ғурури юксалган юртдошларимизнинг мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар жараёнига дахлдорлик ҳисси, фаол фуқаролик позицияси шаклланди.

Халқимиз асрлар давомида орзу қилиб келган энг улуғ, энг азиз неъмат – мустақилликни асраб-авайлаш ва унинг қадр-қимматини идрок этиш билан бирга чорак асрлик қисқагина муддат ичида қўлга киритилган тарихий ютуқларимизнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини, бир сўз билан айтганда, бизлар кеча ким эдигу, бугун ким бўлганлигимизни ёш авлод қалбига чуқурроқ сингдириш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиз эканлигини унутмайлик.



**Илҳом НОСИРОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси

"Эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш ёш авлодимизнинг янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, шу юртнинг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етаётганини алоҳида таъкидлаш зарур".

Юртбошимиз томонидан имзоланган қарор билан танишар эканмиз, ҳар бир сатрига катта маъно юкланган ана шундай фикрлар эътиборимизни тортади. Дарҳақиқат, 25 йил олдин дунёга келган фарзанд бугун жисмонан бақувват, ақлан баркамол, замонавий билимлар соҳиби, оила, маҳалла, эл-юрт каби муқаддас тушунчаларни эъзозлайдиган инсон бўлиб вояга етаяпти, дейишга барча асосларимиз бор.

Модомики, "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" номли бош ғоя остида мужассамлашган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ижро этишда O'zLiDeP фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этишади. Зеро, партиямизнинг Сайловолди платформасида белгилаб қўйилган бир қатор вазифалар ҳам ана шу шиорда ўз ифодасини топган.

Конституциямизда кўзда тутилган хусусий мулкнинг устуворлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг самарасини янада кучайтириш каби ўта муҳим йўналишларнинг аҳамиятини жамоатчиликка содда ва таъсирчан усулларда етказиш – бизнинг бурчимиздир. Жумладан, 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказиш бўйича белгилаб олинган аниқ режа ва дастурларни амалга ошириш учун қатъият билан илгарилаб боришимизга асос бўлаётган мезон ва омилларнинг моҳиятини очиб беришга интиламиз.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракати учун катта имкониятлар яратилгани, ҳозирги кунда фермерлар аграр сектор маҳсулотларининг 90-92 фоизини етказиб бериш билан бирга қишлоқ тараққиётида ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий кучга айланиб бораётганини кенг ёритишга ҳаракат қиламиз.

# МАСЪУЛИЯТ ВА ДАХЛДОРЛИК

**Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи 22 нафар депутатдан иборат. Шунингдек, Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларида партиямизнинг 116 нафар вакили фаолият кўрсатмоқда. Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги 7 та доимий комиссиядан 5 тасига, Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларидаги 56 та доимий комиссиядан 21 тасига O`zLiDeP аъзолари раислик қилади.**

**"Хоразм вилоятини 2016-2018 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури" доирасида жорий йилнинг ўзида минтақада фақатгина озиқ-овқат саноати йўналишида жами 122 та лойиҳани амалга ошириш туфайли 783 та янги иш ўрни очиш режалаштирилган. Буни алоҳида таъкидлаётганимизнинг боиси шундаки, ана шу вазифаларнинг ўз муддатида сифатли бажарилишини назорат қилиш депутатларимиз зиммасига юклатилган. Вилоят партия Кенгашида эса O`zLiDeP депутатларига бириктирилган лойиҳалар қай даражада амалга оширилаётгани юзасидан мониторинг ўрнатилган.**

**O`zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Умид Нурметовнинг маълум қилишича, лойиҳаларга бириктирилган депутатларга жойлардаги БПТлар етакчилари ва фаол аъзолари яқиндан ёрдам беришмоқда. Бу эса, ўз навбатида, депутат ва БПТ ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қиляпти. Натижада электорат вакилларининг ўзи сайлаган депутатга, модомики, унинг номзодини кўрсатган партияга ишончи тобора ортиб бораётир. БПТлардан депутатларга 56 та мурожаат келиб тушгани, шундан 14 таси жойида ҳал этилгани, 42 таси бўйича эса тегишли идоралар раҳбарларига депутатлик сўровлари юборилгани ҳам фикримиз далили бўлиши мумкин. Бинобарин, вилоятдаги депутатларнинг қуйидаги мулоҳазалари ҳудудни комплекс ривожлантириш билан боғлиқ истиқболли лойиҳаларнинг самаралари хусусида бўлди.**





**Бахтиёр РЎЗМЕТОВ,**

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари, иқтисод фанлари доктори, профессор

## РАҚОБАТ – ТАРАҚҚИЁТНИ ЖАДАЛЛАШТИРАДИ

Маълумки, Хоразм вилояти иқлими жиҳатидан кескин континентал бўлиб, қиш фаслининг нисбатан совуқ келиши ва ёз ойларида қуруқ иссиқ ҳукмронлик қилиши билан ажралиб туради.

Вилоятнинг бир вақтлар индустриал суст ривожланган ҳудудлар тоифасига киргани ҳамда минтақанинг табиий хомашё базаси у қадар бой бўлмагани ҳисобга олинадиган бўлса, **иқтисодий салоҳиятни оширишнинг асосий омили бу – тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва маҳаллий манбалар асосида рақобат муҳитини мустаҳкамлашдир.** Хомашёни қайта ишлаш даражасининг юқори эмаслиги, замонавий қадоқлаш ва сақлаш технологияларини кўпайтириш зарурлиги, шунингдек, энергия таъминотидаги айрим муаммолар мева-сабзавот ҳосилининг бир қисмидан фойдаланилмаётганлигига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам биз бу масалада **депутатлик гуруҳимизда амалий чоралар мажмуини ишлаб чиқдик. Айниқса, ноёб қовунларни етиштириш, унинг уруғчилигини такомиллаштириш, экспортини йўлга қўйиш борасидаги таклифларимиз қўллаб-қувватланяпти.**

Ҳақиқатан ҳам янги турдаги саноат ва қишлоқ хўжалиги товарлари номенклатураси Хоразм вилояти ва қўшни вилоятларда ишга туширилиши белгиланган янги йирик саноат корхоналари ишлаб чиқарадиган хомашё ва ярим фабрикатлар, шунингдек, ушбу корхоналарнинг саноат чиқиндиларини қайта ишлашга асосланади. Жумладан, минтақада кимё саноати ва пластмасса маҳсулотларини, қурилиш материалларидан гипсокартон, вермикулит, оҳак асосида қуруқ қурилиш қоришмаларини, сода асосида атирсовун ва бошқа ювиш воситаларини, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш асосида иккиламчи товарларни кўплаб ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд.

**Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш масаласи депутатлик гуруҳимиз таклиф этган дастурнинг муҳим банди ҳисобланади.** Айнан ана шу таҳлиллар асосида 2016-2017 йилларда Хоразм вилоятининг товарлар бозорида рақобатни ривожлантириш бўйича шакллантирилган ҳудудий дастур туманлар ва шаҳарларнинг рақобат шароитида мавжуд имкониятлар, захиралар ва ресурсларни жалб қилишга йўналтирилмоқда. Бу лойиҳалар асосан уч тамойилга асосан ишлаб чиқилиб, Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан дастурга киритиш учун тавсия этилди.

Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ҳажмларини кўпайтириш учун зарур шароитларни яратиш мақсадида мавжуд давлат мулки объектларини тадбиркорлик субъектларига сотиш (ижарага бериш) имкониятлари ҳам таҳлил этилди. Бунга Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари ҳам яқиндан жалб этилди. Уларнинг ташаббуслари ҳам инобатга олинди. Айниқса, Хонқа, Ҳазорасп, Хива туман кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари таклифлари ҳар жиҳатдан эътироф этилди.

Аниқроқ қилиб айтганда, мавжуд объектлар танлаб олиниб, туманлар кесимида муайян йўналишлар бўйича тадбиркорларга таклиф этилди. Мисол учун, ҳудудларда кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва улар фаолиятини ривожлантириш, инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш ва янги иш ўринларини яратиш шарти билан инвесторларга танлов асосида "ноль" харид қиймати бўйича таклиф қилинадиган фойдаланилмаётган, шу жумладан, қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектлари назарда тутилди.

Рақобатни ривожлантириш бўйича 2016-2017 йилларга мўлжалланган ҳудудий дастур бажарилишини таъминлаш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилиб, унинг таркибига депутатлик гуруҳи раҳбарлари киритилди. Ҳудудий дастур шаҳар ва туманлар кесимида 194 та лойиҳани қамраб олган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 12 миллиард сўмдан ортиқ.

Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари ҳудудий дастур бажарилишида фаол қатнашмоқда. Улар бу борада депутатлик ваколатларидан фойдаланишнинг барча чораларини кўрмоқдалар. Саъй-ҳаракатларимизнинг ҳаммаси партия фаолиятини янада кучайтиришга, депутатлик гуруҳлари ишини яхшилашга, энг муҳими, истиқлолнинг чорак асрлик қутлуғ тўйига қизғин ҳозирлик кўраётган мамлакат равнақига хизмат қилади.



**Илҳомжон АЛЛАБЕРГАНОВ,**

Урганч туманидаги "Afri" корхонаси раҳбари, Халқ депутатлари туман Кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси

## ЭШИТУВ ВА СЎРОВЛАР

**Депутатлик гуруҳлари муайян ҳудуд равнақи, иқтисоди, ижтимоий ҳаёти, шу жумладан, рақобатбардошлиги юзасидан жонкуярлик кўрсатиб, сайловчилар ҳоҳиш-иродасини рўёбга чиқаради.** Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз ҳам, туманлар кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз ҳам йил бошида тасдиқланган иш-режалари асосида фаолият кўрсатяпти. Улар уч йўналишни қамраб олган. Биринчиси, депутатлик назорат-таҳлил фаолияти, иккинчиси, ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари, ижро ҳокимияти тизими бошқармалари, муассаса ва ташкилот раҳбарларини эшитиш, учинчиси, депутатлик сўровлари билан мурожаат қилиш институти имкониятларидан оқилона фойдаланишни ўз ичига олади. Ўйлаб кўринг: бир вақтлар ўша ҳудуд раҳбарининг ҳисоботини наинки депутатлик гуруҳи йиғилишида, балки мазкур кенгашнинг ўзида эшитишни тасаввурга сиғдириб бўлармиди?

Яқинда O`zLiDeP Хоразм вилоят Кенгашида ўтган йили депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантириш борасида қилинган ишларни муҳокама қилдик. Унда 2015 йил давомида депутатлик гуруҳларининг иш-режасига жами 63 та масала киритилганлиги, 6 маротоба назорат-таҳлил фаолияти ўтказилгани, 34 маротаба ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари, ижро ҳокимияти тизими бошқармалари, муассаса ва ташкилот раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилгани, 41 та депутатлик сўровлари юзасидан амалий чоралар кўрилгани эътироф этилди.

Гап бевосита **Халқ депутатлари Урганч туман Кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи тўғрисида кетадиган бўлса,** кейинги пайтда биз бир неча муҳим масалаларни муҳокама қилиб, жорий ва келгуси фаолият учун устувор вазифаларимизни белгилаб олганимизни айтиб ўтишни истардим. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 апрелдаги **"Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги** Қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамаси амалий тусда ўтди. Бинобарин, туманимиздаги фермер хўжаликлари пахта ва ғалладан ташқари, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришда ўзига хос тажриба мактаби яратган. Қолаверса, вилоят марказини гўшт, сут, тухум билан бир қаторда мева-сабзавот ва полиз билан таъминлаш зиммамиздаги шарафли иш ҳисобланади.

Маҳсулотларимиз илгари маҳаллий бозорда сотилган бўлса, жорий йилдан бошлаб уларни экспортга йўналтиришни ҳам мўлжаллаяпмиз. Шу мақсадда катта сиғимга эга музлатгич камералари ишга туширилмоқда. Мен раҳбарлик қилаётган корхона асосан яхна ичимликларни қадоқлайди.



**Собир ОТАЖОНОВ,**

Хива туманидаги "Ниёзмат бобо" фермер хўжалиги раиси, Халқ депутатлари туман Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси

## ИМКОНИЯТГА ЯРАША ИШЛАШ КЕРАК

Мен раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги 1992 йилда ташкил топган бўлиб, дастлаб чорвачиликка ихтисослаштирилган эди. 2014 йилдан эса уни кўп тармоқли субъектга айлантирдик. Аввал чорвачилик, пахтачилик ва ғаллачилик йўналишига ихтисослашган бўлсак, энди ўндан ортиқ соҳаларни ривожлантиряпмиз. 2015 йилнинг апрелида жамоамизда O`zLiDeP бошланғич ташкилоти тузилиб, мен унинг раиси этиб сайландим. Илгари мулкдорлар жамоаси раҳбари, туман кенгаши депутати сифатида жонбозлик кўрсатган бўлсам, энди партиявий тадбирларда фаол қатнашяпман. БПТ туман кенгаши билан ҳамкорликда партиямиз Устави ва Дастурига амал қилиб фаолият юритяпмиз.

Фермер хўжалигида 87,7 гектар ер майдони бўлиб, 10 гектарига пахта, 14 гектарига ғалла, 63,7 гектарига озуқабоп экинлар экилади. Ҳозирги кунда 37 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

Хива туманида биринчилар бўлиб четдан наслли қорамолларни келтирдик. Улар зотига боғлиқ селекциясини яхшилаш бўйича бир қатор ишларни амалга оширдик. Аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириш мақсадида 300 миллион сўм маблағ ҳисобига 35 бош бўрдоқи моллар боқишни ташкил этдик. Ушбу лойиҳа эвазига 5 та янги иш ўрни яратилди. Хўжалигимиз тасарруфида 1 та замонавий сут-товар фермаси ва барча қулайликларга эга, зооветеринария талабларига тўлиқ жавоб берадиган 3 та молхона, техника воситалари ва механизмлар мавжуд.

**Мустақиллик барча соҳалар қатори аграр тармоқ ривожи учун ҳам кенг имкониятлар очиб берди.** Мисол учун, чорва молларининг наслини яхшилаш мақсадида хориждан 95 бош зотли қорамол сотиб олганимиз биз учун ўзига хос воқеадир. Боқилаётган 135 бош сигирнинг ҳар биридан 2015 йилда ўртача 15 литрдан сут соғиб олиниб, давлатга 231,7 тонна сут ва 29 тонна гўшт топширган эдик.

**Депутатлик гуруҳимиз мажлисида соҳа рақобатбардошлигини ошириш масалалари кўриб чиқилганда мен ўз тажрибаларимни айтиб бердим.** Масалан, кейинги пайтда биз ерларнинг унумдорлигини яхшилаш мақсадида 250 миллион сўмлик мелиорация тадбирларини амалга оширдик. Ғўзаларни қатор оралатиб суғориш усулидан унумли фойдаланиб, сув сарфини камайтиришга ва ҳосилдорликни кўтаришга эришяпмиз. Хўжалигимизда сўнгги уч йилда серҳосил, эртапишар "Хоразм 127" ғўза уруғини экяпмиз. Ўртача ҳосилдорликни 40,1 центнерга етказдик.

**Туман кенгаши депутати сифатида ўзим сайланган округ ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш бўйича тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари билан чиқиб, уларни ижобий ҳал қилаяпман.** Жумладан, ўтган йили Гандимён қишлоғидаги "Муғалча", "Полосултон", "Черкас" ва "Париша" аҳоли пунктлари йўналиши бўйича 6-сонли автобус қатнови йўлга қўйилди. Бундан ташқари, қишлоқда ҳомийлик ишларини кучайтиряпмиз.

Хўжаликда касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг амалиёт ўташи ташкиллаштирилиб, охирги уч йилда 16 нафар битирувчи ишга қабул қилинди. Диверсификация жараёни нафақат саноатда, балки бизнинг камтарин фаолиятимизда ҳам ўз натижаларини бермоқда. Ноёб оқ балиқ, дўнг пешона, сазан ва оқ амур турларини кўпайтириш ниятида фермер хўжалигида балиқчиликни йўлга қўйдик. 16,1 гектар сув ҳафзасига 4 тонна майда чавоқ юбориб, уларнинг парваришига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Аҳолига сифатли сервис ҳизмати кўрсатиш мақсадида маҳалламизда сартарошхона, савдо шохобчаси, нон ишлаб чиқариш цехи ва тантаналар уйини очдик.

Хулоса қилиб айтганда, O'zLiDeP мулк эгалари бўлган ўрта синф вакиллари – тадбиркорлар ва ишбилармонлар, фермерлар, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади. Биз эса партиянинг вакиллик органларида депутати сифатида ўз ваколатимиз доирасида бу жараённи фаол қўллаб-қувватлайверамиз.



**Одинахон ЖАМОЛДИНОВА,**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси

# ЭКОТУРИЗМ ВА ХУСУСИЙ СЕКТОР

Инсон ва табиатнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофазалашга хизмат қиладиган экотуризм бугунги кунда сайёҳлик соҳасининг истиқболли йўналишларидан бирига айланиб бормоқда.

Кейинги йилларда дунёда экологик туризмга эътибор тобора кучайиб бораётир. 2002 йилнинг БМТ томонидан "Экологик туризм йили" деб эълон қилингани ҳам бежиз эмас. Экотуризм бутун туризм бозорининг ўн фоиздан ортиғини ўз ичига қамраб олган. Унинг ўсиш суръатлари эса умумий сайёҳлик индустриясининг ўсиш суръатларидан 2-3 марта юқори.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг туристик салоҳияти юксалиб, миллий туристик хизматлар бозори шакллантирилди. Соҳани тартибга солишнинг ҳуқуқий базаси яратилди. "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармон ва қарорлари, ҳукумат томонидан қабул қилинган 30 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари, 50 га яқин халқаро, 44 та ҳудудий ва 20 дан ортиқ агентлик шартномалари соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, экотуризм йўналиши асосий туризм қонунчилигидан ташқари "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"-ги қонунлар билан ҳам тартибга солинмоқда.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар экологик туризм ва унинг инфратузилмасини янада ривожлантириш, миллий сайёҳлик хизматларини халқаро бозорларга таклиф этиш, хусусан, замонавий хизмат кўрсатиш ҳамда экотуризм йўналишлари ва объектларини барпо этиш имкониятини кенгайтирмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда экология соҳасида қўриқланадиган ерларнинг умумий майдони 2 миллион гектарни ташкил этади. Бундан ташқари, 11 та қўриқланадиган табиий ҳудудий объектлар, 8 та қўриқхона, 400 дан ортиқ табиат ёдгорликлари рўйхатдан ўтказилиб, давлат муҳофазасига олинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, туристик фаолият ва хизматларнинг катта қисми хусусий сектор ҳиссасига тўғри келиши мамлакатимизда тадбиркорлик салоҳиятининг юқорилигидан далолат беради. Ҳозирда республикамизда туризм соҳасида 700 дан ортиқ туристик фирма, 240 тадан зиёд меҳмонхона, кўплаб кемпинглар фаолият кўрсатмоқда.

## ИНСОН ВА ТАБИАТ

2015 йилда юртимизга дунёнинг 100 га яқин давлатидан 2 миллиондан ортиқ сайёҳ ташриф буюрган. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса бир миллиондан зиёд хорижлик меҳмонлар келиши кутиляпти.

2015 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан соҳага оид қонунчилик базаси ва қонуности ҳужжатлар тўлиқ инвентаризация қилинди. Қўмита томонидан яқинда ўтказилган "Экотуризмни ривожлантиришнинг муҳим омиллари: муаммо ва ечимлар" мавзусидаги давра суҳбатида асосий эътибор ана шу инвентаризация якунлари асосида соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, экотуристик ҳудудларнинг имкониятларини баҳолаш, уларнинг кадастрини олиб бориш, Ўзбекистоннинг тўлақонли экотуристик харитасини яратиш, автомагистраль йўллари, экотуристик объектлар атрофида сайёҳларга замонавий сервис хизмати кўрсатиш мажмуаларини барпо этиш, экотуризм бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш, экотуристик хизмат фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахсларни қўллаб-қувватлаш масалаларига қаратилди.

**"Ёшлар қаноти"**

**Навқирон авлодда тадбиркорлик кўникма ва малакаларини, иқтисодий тараққиётнинг энг илғор усулларини тез ўзлаштириш лаёқатини шакллантириш, уларни кичик бизнесга жалб этиш орқали меҳнат шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ ёшларини хусусий секторга йўналтириш масалалари O'zLiDeP "Ёшлар қаноти" олдида турган муҳим вазифалар ҳисобланади.**



# ҲАРАКАТ ДАСТУРИГА МОС САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

**Давоми.** Бошланиши 1-саҳифада

Қуйидаги қиёсий рақамлар эса бу борадаги ишлар нечоғли самарали кечаётгани хусусида муайян тасаввур уйғотиши табиий: 2004 йилда O'zLiDeP аъзоларининг 25 фоизини ёшлар ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига ушбу кўрсаткич 56,6 фоизга етди. Партия Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан 2016 йил бошидан буён 1392 та тадбир ўтказилиб, уларда навқирон авлод вакилларидан 166 минг нафари иштирок этди.

## АНЪАНАВИЙЛИКНИНГ НАТИЖАДАГИ АКСИ

**– "Ёшлар қаноти" кичик бизнес равнақи йўлида изланар экан, асосан уч йўналишда иш олиб боради, – дейди** Ёшлар билан ишлаш бўлими етакчи консультанти Дилноза ТОЖИЕВА. **– Биринчиси, ёшларни айни соҳага жалб этишга қаратилган тарғибот тадбирлари бўлса, иккинчиси, бу йўлни танлаган сафдошларга кўмак бериш, дастлабки сармояни шакллантиришга ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлардир. Учинчи йўналишдаги ишлар эса тадбиркорликда муайян ютуқларга эришган ёшларимизнинг тажрибасини оммалаштириш, ибратли фаолиятини ўрганишдан иборатдир.**

Партиявий лойиҳалар орқали ёш ишбилармонларнинг замонавий билимларни эгаллаши, уларнинг тафаккурида ҳақиқий мулкдорлик туйғусини тарбиялаш мақсадида ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш, бизнес-инкубаторлар, инновация марказлари, тадбиркорлар мактаби, семинарлар ташкил этиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини оширишга эришиляпти, десам муболаға бўлмайди. Мисол учун, "Ишбилармон талаба" стипендияси учун ўтказилган кўрик-танловда иштирок этган 15 мингдан ортиқ ёшлардан 5 мингга яқини айни пайтда тадбиркорлик, фермерлик ва касаначилик билан шуғулланмоқда. Шулардан 220 нафарга яқини O'zLiDeP стипендиясига эга бўлишган.

Олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларнинг инновацион ташаббусларини иқтисодиётга жорий этиш бўйича асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида бир қатор вазирликлар, молия муассасалари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Диплом билан – бизнесга" лойиҳаси анъанавийлик ва мунтазамлик касб этгани унинг пировард натижасида ўз аксини топмоқда. Жумладан, 2010-2015 йилларда лойиҳа доирасида 25 минг нафар иштирокчи ўқитилган бўлса, 2016 йилда 200 минг нафарга яқин ёшларнинг тадбиркорликка оид билимлари оширилди. Умуман, ўтган йиллар давомида шу биргина партиявий лойиҳа туфайли жойларда 8000 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

## ҲАМОҲАНГ ВА УЙҒУН

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ёшлар билан ишлашдаги мақсад ва вазифалари бу борадаги давлат сиёсатига ҳамоҳанг ва уйғундир. "Диплом билан – бизнесга" ана шундай фаолиятнинг истиқболли йўналишларидан бири.

– Жиззах вилоятида ўтган йили ушбу лойиҳада 945 нафар битирувчи бизнес-режаси билан иштирок этганди, – дейди "Ёшлар қаноти" фаоли, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Ёқутхон ХОЛБЕКОВА. – Шундан 100 нафарига тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Қувонарлиси, уларнинг 82 нафари қисқа муддатда молия муассасаларидан жами 774 млн. 800 минг сўм миқдорида кредит олиб, тадбиркорликни йўлга қўйиши туфайли 98 та янги иш ўрни яратилди. Жорий йилда эса лойиҳа иштирокчиларидан 1520 нафарининг бизнес-режаси молиялаштириш учун тижорат банкларига тавсия этилди.

Ёқутхон келтирган далиллар битта лойиҳанинг бир вилоятдаги самаралари, холос. Агар уни бутун мамлакат мисолида тасаввур қиладиган бўлсак, қамровнинг нақадар кенглиги кишини қувонтиради.

## ТАЛАБГА ЯРАША ТАКЛИФ

– Мен яшаётган туманда қандолатчилик маҳсулотлари етказиб берадиган бирорта кичик цех ҳам йўқ, – дейди Жиззах туманидаги Саноат касб-ҳунар коллежи битирувчиси Зуҳра ОЛИМЖОНОВА. – Тўйлар мавсумида, туғилган кун ва байрамларда қандолатчилик маҳсулотлари, турли ширинлик ва пишириқларга талаб кучаяди. Бундай маҳсулотларни сотиб олиш учун одамлар 6-7 километр йўл босиб, шаҳар марказига бориши керак эди. O'zLiDePнинг "Диплом билан – бизнесга" лойиҳаси доирасидаги семинар-тренингда қатнашганимдан сўнг менда "Қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш" бўйича бизнес-режа тайёрлаш ва уни амалга ошириш иштиёқи туғилди. Натижада аҳолининг мушкулини осон қиладиган кичик цех очишга қарор қилдим. Бунда семинар давомида тадбиркорлик лойиҳаларининг банклар орқали молиялаштирилишининг ҳуқуқий асослари, кредит ва гаров ҳужжатларини расмийлаштириш, суғурталаш жараёнлари, солиқ имтиёзлари ҳақида маълумотлар олганим қўл келди. Энг муҳими, ташкилий қўмита менинг бизнес-режамни тижорат банкларига молиялаштириш учун тавсия этганидир. Коллежни тамомлаганимдан сўнг "Микрокредитбанк"нинг 6,5 млн. сўм миқдорида кредити эвазига махсус ускуна ва печлар харид қилиб, аҳолига мазали ва сифатли қадолатчилик маҳсулотлари етказиб бериш фаолиятини йўлга қўйиш ниятидаман.



## САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР САМАРАСИ

– Партиявий лойиҳалар доирасида турли учрашувлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар ташкил қилар эканмиз, мавзуларнинг хилма-хил бўлишига эътибор қаратамиз, – дейди Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Сардор МАРИПОВ. – Хусусан, "Депутат ва ёшлар", "Парламентда менинг ўрним", "Ишбилармон талаба", "Хавфсиз интернет" сингари лойиҳалар негизида навқирон авлод билан ҳар жабҳада ҳамнафас, ҳаммаслак бўлиш истаги сезилиб туради. Мисол учун, "Депутат ва ёшлар" мавзусидаги учрашувларни олайлик. Уларни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоларининг ўз округларида сайловчилар билан учрашувлари давомида ташкил этамиз. Асосий мақсад эса мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар муваффақиятининг моҳиятини ёшларга етказиш, қонун ижодкорлиги жараёнлари, янги қабул қилинаётган ҳужжатларнинг мазмунини ўрганиш ва Сайловолди платформамизда белгиланган вазифаларни амалга оширишдан иборат.

Яқинда республикамизнинг барча ҳудудларида "Ишбилармон талаба-2016" кўрик-танловининг туман (шаҳар) босқичлари бўлиб ўтди. Мазкур тадбирларда "Камолот" ЁИҲ, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзлари, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Ўз истеъдоди, ишбилармонлик қобилиятини намоён этганлар ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олишди. Очиғи, мақсад сари шахдам қадамлар ташлаётган тадбирли ёшларнинг кўплиги Ҳакамлар ҳайъатини ҳам бирмунча шошириб қўйди. Шундай пайтда ҳаммани бирдек ғолиб деб эълон қилгиси келади одамнинг... Умуман, бундай кайфият, эзгу истак бошқа лойиҳалар давомида ҳам ёш дўстлардан ўрнак олишга, улардек тиришиб, эзгу ниятлар йўлида курашиб яшашни ўрганишга чорлайверади.

*Бундан ташқари, жойларда ёшлар иштирокида яна қатор анжуману форумлар ўтказилмоқдаки, уларнинг бари бевосита партия "Ёшлар қаноти"нинг навқирон авлод қалбига дадил кириб бораётганидан далолатдир.*

*Тошкент вилоятининг Зангиота туманида бўлиб ўтган форум жараёнида бу хулоса нечоғлик ҳаққоний эканини яна бир марта ўз тасдиғини топди.* O'zLiDeP вилоят Кенгаши ташаббуси билан туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт" шиори остидаги ёшлар форумидаги кўтаринки руҳ, истиқбол йўлидаги бирдамлик айни йўналишдаги мулоқотларнинг кўзгуси бўлди. Форумда иштирок этган 150 нафар ёшлар орасидан энг фаол ва иқтидорлилари партиянинг фахрий ёрлиқ ва эсталик совғалари билан тақдирланди. Ўз навбатида O'zLiDeP дастурий мақсад ва вазифаларини халқимиз орасида тарғиб қилишда жонкуярлик кўрсатаётган ҳамкор ташкилотларнинг бир гуруҳ ходимларига ҳам партиянинг махсус ташаккурномалари топширилди.

## ҚУТЛУҒ САНАГА МУНОСИБ СОВҒА

Маълумки, 2014 йилда бўлиб ўтган сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига O'zLiDePдан сайланган 52 нафар депутатнинг 5 нафари, Халқ депутатлари вилоят, туман кенгашларига сайланган 1589 нафар депутатнинг 243 нафари "Ёшлар қаноти" вакилларидир. Ушбу натижалар, қайсидир маънода, юқорида тилга олинган лойиҳаларнинг амалий самарасидир.

Шу боис ҳам "Ёшлар қаноти" фаоллари мамлакатимиз ёшларининг бугунги орзу-истак ва интилишлари билан ҳамнафасликда иш олиб боришга, келгусида партия сафини тўлдирадиган маслакдошларимизни ҳозирданоқ ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратмоқда.

Айни пайтда мустақиллигимизнинг 25 йиллик қутлуғ тўйига тайёргарлик кўриш, ушбу байрамга муносиб совға тайёрлаш мақсадида бир қатор хайрли ишлар олиб борилмоқда. Совға деганимиз эса элнинг асл бойлиги – ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр ёшлар сафини кўпайтириш, бундай ёшларни турли мулоқот, анжуман ҳамда учрашувлар орқали катта ҳаётга тайёрлашдир. Бунда "Ишбилармон талаба", "Диплом билан – бизнесга", "Ёш фермер" каби лойиҳалар эзгу мақсадни рўёбга чиқаришда қўл келиши шубҳасиз.

**"XXI asr" мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди**

**ХАБАРЛАР**
**ЯНГИЛИКЛАР**

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

**Мамлакатимизда ёш авлодни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этишда O'zLiDeP "Ёшлар қаноти" томонидан илгари сурилаётган лойиҳаларнинг ўзига хос аҳамияти бор, албатта.**

Айни пайтда Ромитан қурилиш ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида йигит-қизларнинг ўзлари танлаган соҳа сирларини мукаммал ўрганиб олиши учун барча шароит яратилган. Таълим масканида бизнес-клуб ташкил этилган бўлиб, машғулотларда қатнашган кўплаб иқтидорли ёшлар истиқболли режалар тузиб, тижорат банкларининг имтиёзли кредитларини олишаётир.

O'zLiDeP томонидан ўтказилаётган тадбирлар натижасида эса ўқувчи-ёшлар ўз бизнесини йўлга қўйиш, соҳада учрайдиган муаммолар хусусида батафсил маълумот олиш имконига эга бўлишмоқда.

**Гулҳаё САЛИМОВА,**
**Ромитан тумани**



## ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛЯПТИ

**O`zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан "Ишбилармон талаба-2016" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

– Асосий мақсадим миллий қўғирчоқлар ясаб, болажонларга қувонч улашишдир, – дейди Урганч маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Маҳбуба Эгамберганова. – Танловда биринчи ўринни эгаллаганимдан хурсандман. Келгусида иш фаолиятимни кенгайтириб, ёш авлод дунёқарашининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга қўғирчоқлар турини янада кўпайтирмоқчиман.

Шунингдек, Қўшкўпир политехника ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Умидбек Рўзметов мевани қайта қуритиш йўналиши бўйича тайёрланган лойиҳаси билан қатнашиб иккинчи ўринга, Ҳазорасп қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи битирувчиси Қаландар Самандаров учинчи ўринга муносиб топилди.

Ёш тадбиркорлар сафининг кенгайишида O'zLiDeP томонидан ўтказилаётган партиявий лойиҳалар ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Натижада навқирон истеъдод эгалари аниқланиб, уларга тегишли амалий ёрдам берилаётир.

**Дилноза НОМОЗОВА**
**тайёрлади.**

# "ПАРВОЗ МАЙДОНЧАСИ"

Юртимизда ўз бизнесини бошлашга бел боғлаган йигит-қизларимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётир. Айниқса, O'zLiDePнинг "Ишбилармон талаба" лойиҳаси тадбиркорлик қобилиятига эга бўлган ёшлар учун "парвоз майдончаси" вазифасини ўтамоқда. Мен ҳам кўплаб опа-акаларим, тенгдошларим қаторида ана шу лойиҳа доирасида ташкил этилган тадбирларда фаол қатнашдим.

Онам ўқитувчи. Унинг дарсларни қизиқарли ўтиш учун кўргазмали қуроллардан фойдаланишга ҳаракат қилишини кўп кузатганман. Шу боисдан педагоглар учун "Ўқитувчилар учун махсус компьютер хизматлари" номли лойиҳа тайёрладим. Энг муҳими, ана шу лойиҳам билан "Ишбилармон талаба" кўрик-танловининг шаҳар босқичида ғолиб бўлдим. Модомики, бизга билдирилаётган ишончни оқлаб, фақат олға интилишимиз, ўз иқтидоримизни ишга солиб, Ватан равнақи йўлида хизмат қилиш бурчимиздир.

**Лочинбек ЖУМАНОВ,**
**Жиззах ДПИ қошидаги "Сайилжой" академик лицейи ўқувчиси**

# МАСЛАКДОШЛАРИМИЗ ЯНА ҒОЛИБ

Мамлакатимизда транспорт-коммуни:кация тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги натижасида ушбу соҳада ҳам туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Хусусан, йўловчиларга хизмат кўрсатиш кўлами ва сифатини ошириш шулар жумласидандир. Буни "Бухоро" халқаро аэропорти мисолида ҳам кўриш мумкин.

МДҲ мамлакатлари фуқаро авиацияси ассоциацияси томонидан 2015 йил якунлари бўйича ўтказилган нуфузли танловда "Бухоро" халқаро аэропорти йилига 200 минг нафаргача йўловчига хизмат кўрсатадиган "ҳаво гаван"лари ўртасида "Йилнинг энг яхши аэропорти" номинациясида биринчи ўринни эгаллаб, бош совринни қўлга киритганлиги эътирофга лойиқдир.

Таъкидлаш ўринлики, бу ютуқ – биринчи муваффақият эмас. 2008, 2010, 2012 ва 2014 йил якунлари бўйича МДҲ мамлакатлари ўртасида "Йилнинг энг яхши аэропорти", 2011 ва 2013 йилларда эса "Жадал ривожланаётган аэропорт", 2009 йилда "Истиқболли ривожланаётган аэропорт" номинацияларида ҳам бу жамоа биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлган.

Аэропортда 2011 йилда ишга туширилган, соатига 400 нафар йўловчига хизмат кўрсатувчи замонавий терминал қувватидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Корхона моддий-техника базасининг муттасил мустаҳкамланиб бораётгани, мутахассис-кадрлар малакасининг талаб даражасида эканлиги ютуқлар омили бўлаяпти

Ҳозирги кунда "Бухоро" халқаро аэропорти орқали ҳар ҳафта Тошкент, Фарғона, Москва, Санкт-Петербург сингари шаҳарларга қатновлар амалга оширилмоқда.

Навбатдаги муваффақият ҳақида хушхабар тарқалган куни "Бухоро" халқаро аэропорти маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси ва бу ердаги O'zLiDeP бошланғич ташкилоти сайъ-ҳаракати билан корхона ишчи-хизматчилари ва мутахассислари фарзандларидан 200 нафари иштирокида байрам тадбири ўтказилди. Ўғил-қизлар бахтли болалик, мустақил Ватан, қуёшли диёримиз, тинчлик ва дўстликни мадҳ этувчи шеър-қўшиқлардан куйлашди. Болажонларга улашилган байрам совғалари эса улар қувончига қувонч қўшди.



**Асхор ИСТАМОВ ,**
**"XXI asr" мухбири**

"XXI asr" 23 (655)-son,
2016-yil 9-iyun,
payshanba


# ТАШАББУСКОР ТАЯНЧ ТУЗИЛМА

**Иштихон туманида ўтган йилнинг шу даврида O'zLiDeP қуйи бўғинлари сони 45 тани, аъзолар эса 1320 нафардан ортиқни ташкил этган бўлса, ҳозирда БПТлар 50 дан, тарафдорларимиз 1360 нафардан ошди.**

Эътиборлиси, бошланғич ташкилотлар фаоллиги ва ташаббускорлиги туфайли ҳудудлардаги ечимталаб масалалар ижобий ҳал этилаётир. Бу борада, мисол учун, "Қўнғирот" маҳалласида истиқомат қилувчи маслакдошларимиз ташаббуси билан ташкил этилган таянч тузилма бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Йигирмага яқин кишини бирлаштирган мазкур БПТ яқинда маҳаллада шахсий томорқадан қандай фойдаланилаётгани билан боғлиқ жиҳатларни атрофлича ўрганиб чиқишди.

– "Оқдарё" сув омбори ёнида еттита қишлоқ жойлашган, – дейди Халқ депутатлари Самарқанд вилоят ва Иштихон туман кенгашлари депутати Шакарой Кенжаева. – Мазкур сув омбори дренажлари тупроқ билан тўлиб қолгани сабабли атрофдаги қишлоқларда ер ости сизот сувлари юқорига кўтарилиб, деҳқончилик қилишга салбий таъсир кўрсатиб келган. Анор, узум ва бошқа дарахтлар нобуд бўлиб бораверган. БПТ аъзолари билан ушбу масала ечими бўйича аниқ таклифларни тайёрлаб, амалий ишларни бошлаб юбордик. Таянч тузилма билан биргаликда ишлаб чиқилган режа асосида туман ҳокимлигига мурожаат қилганимиздан сўнг бу борадаги ишлар жадаллашиб кетди. Айни пайтгача бешта қишлоқ ҳудудидан ўтган зовурлар тозалаб бўлинди.

– Амалий ишларимиз натижасини ўз кўзимиз билан кўрганимиз бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшди, – дейди БПТ раиси Иброҳим Шаропов. – Чунки бу қишлоқлардаги 827 та хонадонда 4383 нафар фуқаро яшайди. Қувонарлиси, бир неча йиллардан бери экин унмай қолган ерлар қайтадан мўл ҳосил бера бошлади. Маҳаллий аҳоли шу тариқа ўз ризқини яратиши баробарида мева-сабзовотчилик ривожига ўзига хос ҳисса қўшишга киришди.

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
**"XXI asr" мухбири**

# ХОЛИСЛИК МЕЗОНИ

**Партия фаолиятини бошланғич ташкилотларсиз тасаввур қилиш мушкул, албатта. Шу маънода, O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши таркибидаги 503 та БПТда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари қуйи бўғинлар фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар, ечимини кутаётган муаммоларнигина эмас, балки келгусида амалга ошириш лозим бўлган мақсад-вазифаларни белгилаб олишда ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. 96 та таянч тузилмада етакчилар янгидан сайланганининг ўзи таҳлилларни янада чуқурлаштириш зарурлигини кўрсатади.**

Агар партия Низомига назар ташласак, айнан БПТ етакчиларига жуда катта масъулият юкланганига гувоҳ бўламиз: *"Бошланғич партия ташкилоти раиси вазиятни, тез ўзгариб бораётган сиёсий шароитни чуқур таҳлил қила олиши, холисона баҳолай билиши ва жойларда етилган муаммоларни ҳал этиш учун бутун масъулиятни истаган вақтда ўз зиммасига олишга тайёр туриши керак".*

Демак, O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгашидаги БПТлар фаолияти таҳлили шуни кўрсатяптики, 96 та БПТ етакчиси ўзига билдирилган ишончни тўлиқ ҳис қила олмаган. Бундай кузатувлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, биринчидан, ҳисобот-сайлов йиғилишлари номигагина эмас, аксинча, ўз-ўзини танқид руҳида ўтганининг, иккинчидан, жойлардаги маслакдошларимиз ўзлари ишонч билдириб сайлаган янги етакчилар орқали фаолиятларини давр талаблари даражасида олиб боришга интилаётганликларига амин бўламиз. Бу эса қувонарли ҳол, албатта.

БПТлар фаолияти учун "йўл харитаси" бўлган партия Дастури ва Сайловолди платформасига мурожаат қиламиз. Чунки депутатларимиз ушбу ҳужжатларда илгари сурилган ғоя ва мақсадларни, олдимизга қўйилган вазифалар ижросини муваффақиятли таъминлашда айнан қуйи бўғин фаолларига таяниши сир эмас.

Бошланғич ташкилотлар партия раҳбар органларининг қарорлари билан белгилаб берилган вазифаларни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ва тушунтириш ишларини олиб боришда, жамоатчилик фикрининг шаклланишига таъсир кўрсатишда, жойларда юзага келаётган муаммоларни ўрганиш ҳамда партиявий воситалар билан уларни ҳал этишда, аҳолининг турли қатлам вакиллари, айниқса, мулкдорлар синфининг қонуний манфаатларини ифодаловчи ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалалар бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаш ва тақдим этишда фаоллик кўрсатишлари талаб қилинади.

Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари натижаларини шу мезонлар билан баҳолайдиган бўлсак, қўлга киритилган ютуқларимиздан кўра, амалга оширишимиз керак бўлган вазифаларимиз кўплиги ойдинлашади. Жумладан, жойлардаги БПТлар ва Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларига сайланган маслакдошларимизнинг ҳамкорлигини янада кучайтиришимиз лозимлиги яққол кўзга ташланади. Қолаверса, бу борада ибратга лойиқ, ўрнак олишга арзийдиган тажрибалар ҳам талайгина.

– Сайловлардан кейин ўтган вақт давомида Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатларимиз томонидан жами 80 та назорат-таҳлил фаолияти, 257 та депутатлик эшитуви ўтказилган ҳамда мутасадди шахсларга турли масалалар юзасидан 623 та депутатлик сўрови юборилган. Бу кўрсаткичларда жойлардаги БПТ аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Айтмоқчиманки, депутатлар ва БПТлар ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган ҳудудларда самарадорлик анча юқори, – дейди O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгашининг Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Акром Шаҳаров.

Жорий йилнинг биринчи чорагида O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши таркибидаги БПТлар 4 тага, аъзолар 529 нафарга кўпайганини кузатиш мумкин. Жумладан, Жиззах тумани электр тармоқлари корхонасида ўз сафига 12 нафар аъзони бирлаштирган ва ташаббускор серғайрат маслакдошларимиздан бири Улуғбек Алижанов етакчи этиб сайланган бошланғич партия ташкилоти қаторига Зафаробод туман ободонлаштириш бошқармаси ҳамда Жиззах шаҳридаги "Jizzax Oil Group" масъулияти чекланган жамияти қошида ташкил этилган БПТларни ҳам қўшиш мумкин. Жами 44 нафар аъзони бирлаштирган мазкур қуйи бўғинларга Ширин Умрзоқова, Салоҳиддин Бегашев, Мурожон Ҳайитбоев каби партиядошларимиз етакчи этиб сайланди. Янги аъзоларга партия гувоҳномаси ва кўкрак нишонини топшириш жараёнининг тантанали равишда ташкил этилаётгани, бу маросимга вилоятда обрў қозонган инсонлар жалб қилинаётгани диққатга сазовор.

– Партиямизга янги қабул қилинаётганларнинг таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, – дейди вилоят Кенгаши БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Исомиддин Ҳамидов, – уларнинг кўпчилигини жойлардаги фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари ташкил этаётганини кузатиш мумкин. Ана шундай ҳамюртларимизнинг партиямиз сафига жалб қилинаётгани фаолиятимиз самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Чунки бевосита амалий ишлари билан ўзгаларга ибрат бўлаётган бундай маслакдошларимиз мулкдорларнинг қувончу ташвишларини, ютуғу камчиликларини, жойларда кичик бизнес ёки оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни яхши билишади, демакки, уларни бартараф этиш борасида аниқ тасаввурга эга.

Шу ўринда партиямиз томонидан ўтказилаётган истиқболли лойиҳалар ҳамда бошқа оммавий тадбирлардаги БПТ аъзоларининг фаоллиги масаласига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз, деб ҳисоблаймиз. Мониторинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, партиямиз томонидан ўтказилаётган истиқболли лойиҳаларда, айниқса, "Диплом билан – бизнесга", "Ишбилармон талаба", "Хавфсиз интернет", "Ёш партия етакчилари – келажак кадрлари", "Ёш фермер" каби тадбирлар, семинарлар ёшлар ўртасида тобора оммалашиб бормоқда.

Партиянинг Жиззах вилоят Кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Олим Норжигитовнинг айтишича, жорий йилда ушбу лойиҳалар доирасидаги тадбирларга жами 19358 нафар ёшлар қамраб олинди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8497 нафар кўп демакдир. Улар айни пайтда вилоятдаги ўқув муассасаларида таҳсил олаётган ёшларнинг илғор вакиллари саналади. Қувонарли томони, шулардан кўпчилиги ўтказилган тадбирлардан сўнг партиямиз сафига кириш истагини билдириб, ариза билан мурожаат қилмоқдалар.

– Камчиликларимиз ҳам йўқ эмас, – дейди O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Шерзод Матқулов. – Яқинда ўтказилган аттестация натижалари ҳам шундан далолат беради. Унга кўра, жойларда ишлаётган ходимларга ўз фаолиятларини давр талаблари даражасида ташкил этиш учун зарур тавсиялар берилди. Қолаверса, БПТ томонидан уюштирилаётган тадбирларнинг савиясини оширишга кўмаклашиш мақсадида уларни партиявий тарғибот воситалари, керакли қўлланма ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш юзасидан режалар ишлаб чиқилди.

Хулллас, O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши таркибидаги бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш юзасидан барча бўлимлар томонидан ташкилий-амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бу эса қуйи бўғинлар фаолиятининг самарадорлигини талаб даражасига олиб чиқишга шароит яратади. Пировардида илғорликка интилаётганлар тажрибаси оммалаштирилади, ишончни йўқотганлар ўрнига янгилар сайланади.



**Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,**
**"XXI asr" мухбири**

**O'zLiDeP Чимбой туман Кенгаши ҳудуддаги бошланғич партия ташкилотлари аъзолари ўртасида спортнинг кросс тури бўйича мусобақа ўтказди.**

# ҚУЙИ БЎҒИН АЪЗОЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Маданият ва спорт ишлари бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, Тиббиёт бирлашмаси, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбир давомида истиқлол йилларида спорт соҳасида эришилган ютуқлар тилга олинди. Шаҳар ва қишлоқларимизда қурилган замонавий спорт мажмуаларида минг-минглаб ўғил-қизлар жисмоний тарбия билан шуғулланиш баробарида ўз саломатлигини ўзлари мустаҳкамлаётгани хусусида сўз юритилди.

– Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда БПТлар етакчиларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Натижада фарзандларимизнинг спортга бўлган қизиқиши кун сайин ортиб бораяпти, – дейди Халқ депутатлари Чимбой туман Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Б.Ғаниев. – Масалан, 2005 йилда туманимиз ёшлари спортнинг 43 тури билан шуғулланиш имкониятига эга бўлган бўлса, бугун мазкур кўрсаткич 59 тага етди. Муҳими, муваффақиятларимиз нафақат сон, балки сифат жиҳатдан яхшиланаётир.

Мусобақа якунида ўғил болалар ўртасида биринчи ўрин Чимбой педагогика коллежи талабаларига насиб этди. Қизлар ўртасидаги баҳсда эса Тиббиёт бирлашмаси вакилларига тенг келадигани топилмади.

Ғолиб жамоалар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Матбуот хизмати**

# Давр билан ҳамқадам

**O'zLiDeP Зарафшон шаҳар Кенгаши таркибида 113 та таянч тузилма фаолият кўрсатади. Ушбу қуйи бўғинлар жами 3150 нафардан зиёд маслакдошимизни бирлаштирган.**

Бу ердаги сафдошларимиз либерал ғояларни нафақат партия электорати, балки аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар орасида самарали ташвиқ қилиш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда таъсирчан тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. O'zLiDeP Навоий вилоят Кенгаши Ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Қобил Астановнинг таъкидлашича, айни йўналишдаги ишлар муваффақиятини таъминлаш учун депутатлик корпуси вакиллари кучидан оқилона фойдаланиш тизими йўлга қўйилган. Бошланғич партия ташкилотларида иқтидорли кадрлар захирасини шакллантириб, уларнинг турли раҳбарлик лавозимларига ўтишига кўмаклашиш масалалари ҳамиша диққат марказида туради. Шу боис ҳам мазкур бўлим партия аъзолари сафини кенгайтириш, янги БПТлар ташкил этиш ва бадалларни йиғиш кўрсаткичлари бўйича доимо пешқадам.

– Шаҳримизда йирик саноат корхоналари қаторида кўплаб кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, сервис ва маиший хизмат кўрсатиш субъектлари фаолият кўрсатаяпти, – дейди O'zLiDeP Зарафшон шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Озода Ризақулова. – Кейинги 5 йилда хусусий сектор корхоналаридаги таянч ташкилотларимиз 10 тага, маслакдошларимиз эса 703 нафарга кўпайди.

"Зарафшон Проминвест" МЧЖ ҳузурида O'zLiDeP бошланғич ташкилоти 2012 йилда очилган. Дастлаб 8 кишини бирлаштирган қуйи бўғин Баҳриддин Суннатов раҳбарлигида ўз фаолиятини кучайтирди. БПТ раисининг партия шаҳар Кенгаши ва халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи билан яқин ҳамкорликда амалга оширган тарғибот ишлари натижасида сафдошлар сони 4 баробарга ошиб, 32 нафарга етди. Қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Норпўлат Тўхтаев, иқтисодиёт бўлими бошлиғи Феруз Норов, ҳайдовчи Воҳид Эшмуродов, ходимлар бўлими бошлиғи Раъно Атаярова ҳамда таъминот бўлими муҳандиси Қудрат Ҳошимов сингари ҳаммаслакларимиз ишлаб чиқаришда ҳам, партиявий масалалар тарғиботида ҳам ўрнак бўлишаётир.

"Зарафшон овози" масъулияти чекланган жамияти қатор йиллардан буён шаҳарда кўп қаватли янги уйлар қурилиши билан шуғулланиб келади. Жамоада ташкил этилган таянч тузилмага сафдошимиз Ойбек Файзиев раҳбарлик қилади. Унинг саъй-ҳаракатлари билан БПТ аъзолари жорий йилнинг биринчи чорагида 15 нафарга кўпайди.

– Бугунги тадбиркор фақатгина битта йўналиш бўйича фаолият кўрсатса, юқори натижаларга эришиши қийин. Шу боис жамоадаги партиядошларимиз билан маслаҳатлашиб, бетон ва темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни ният қилгандик, – дейди тадбиркор. – Интилганга толе ёр, деганларидек, эзгу мақсадимиз ижобат бўла бошлади. Инвестиция киритиш шарти билан шаҳардаги қурилиши тугалланмаган бинони "ноль" қийматда олиб, асосий тайёргарлик юмушларини қисқа муддатда бажардик. Хорижий ҳамкорлар билан шартнома имзоладик. Унга кўра, Мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйигача Хитойдан бетон қориш, қуйиш, ташиш, юк кўтариш, маҳсулотларни қуритишда талаб этиладиган асбоб-ускуналар, техника ва механизмлар келтириб ўрнатилади. 30 дан ортиқ янги иш ўринларига коллеж битирувчиларини қабул қиламиз. Бу эса маслакдошларимиз сафини иқтидорли ёшлар ҳисобига янада кенгайтириш имконини беради.

Давр билан ҳамқадам либераллар, хусусан, Озода Ризақулованинг биз билан кечган суҳбатидан маълум бўлишича, депутатлик корпусининг фаоллиги ҳам партия сафларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Масалан, Халқ депутатлари Зарафшон шаҳар Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Маҳмуд Норматовнинг ташаббуси билан "Ғарбгазтаъминот" унитар корхонаси "Зарафшоншаҳаргаз" бўлимида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти аъзолари қисқа вақтда 22 нафарга етди.

* * *

Навоий шаҳридаги "Жанубий" МФЙ ҳудудида тузилган БПТ томонидан "O'zLiDeP бошланғич партия ташкилотларининг ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида ва партиянинг дастурий мақсадларини амалга оширишдаги тутган ўрни ва вазифалари" мавзусида махсус ўқув-семинар ташкил этилди.

Навоий давлат кончилик институтида ўтказилган тадбирда қуйи бўғиннинг самарали фаолияти туман ва шаҳар, қолаверса, вилоят партия кенгашининг ҳудуддаги мавқеини белгиловчи асосий омиллардан бири эканлигини ҳисобга олиб, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш, уларни давр билан ҳамқадам бўлишини таъминлаш муҳим эканлиги таъкидланди. Бинобарин, партиянинг ғоя ва мақсадларини, хусусан, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган қонунлар, фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини жойлардаги электорат вакилларига етказишда БПТларнинг ўрни ва роли беқиёсдир.

Тадбирда масаланинг шу жиҳатлари ҳақида сўз юритилиб, бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда бошланғич ташкилотлар зарур услубий ва амалий қўлланмалар билан таъминланиши, етакчиларнинг сиёсий билим ва ташкилотчилик қобилиятини ошириш лозимлиги айтиб ўтилди. Ана шундагина партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда уларнинг ташаббуси ва тажрибасига суяниш мумкин бўлади. Зеро, ушбу муҳим вазифаларни амалга оширмасдан партиямиз ғояларига ишонч билдирганлар сафини кенгайтириб бўлмаслиги ўз-ўзидан аён.

Тадбир сўнггида янги аъзоларга партия гувоҳномалари топширилди. Шунингдек, бошланғич ташкилотлар ишини янада кучайтириш, етакчилар фаоллигини ошириш бўйича билдирилган таклифлар умумлаштирилиб, келгусидаги вазифалар белгиланди.

**Мансур АСЛОНОВ,**
**"XXI asr" мухбири**

**Бошланғич партия ташкилоти партиянинг тегишли туман (шаҳар) бўлими таклифига биноан ҳудудий партия ташкилоти томонидан ташкил этилади ва тугатилади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, ижодий уюшмалар, кўнгилли жамиятлар ва жамғармаларда ҳамда таълим муассасаларида бошланғич партия ташкилотлари ташкил этилишига йўл қўйилмайди.**

O'zLiDeP Уставидан

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллигини, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ўзининг аниқ иш режасига эга бўлиб, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёнидаги кенг иштироки билан кўпчилик эътиборини қозонмоқда. Бугунги кунда вилоятда 12 373 та фермер хўжалиги мавжуд. Шундан 415 тасига бевосита хотин-қизлар раҳбарлик қилишяпти. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида партия аъзолари сони 19 нафарга кўпайди ва жами 124 нафарга етди. "Фермер аёллар" лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбирлар давомида хусусий мулкчиликни ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини кенгайтириш йўлида тўсиқ бўлаётган муаммолар аниқланиб, уларнинг ечимига қаратилган амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилаётганлиги эътирофга лойиқ.

# ҲАР ЖАБҲАДА ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР

Ушбу лойиҳа партиямиз дастури, Сайловолди платформасида белгиланган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш, фермер хўжаликларида экспортбоп ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қишлоққа замонавий саноатни олиб киришда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Ўтказилаётган тадбирлар давомида хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий билим ва малакасини оширишга кўмаклашиш баробарида илғор фермер аёлларнинг амалий тажрибасини оммалаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Китоб туманида бўлиб ўтган тадбирда лойиҳа иштирокчилари Насиба Нурова раҳбарлик қилаётган "Элдоржон, Аброржон Луқмонович" фермер хўжалиги фаолияти билан яқиндан танишдилар. Кўп йиллардан буён фермерлик қилиб келаётган бу ташаббускор аёл партиянинг дастурий мақсадларини аҳоли ўртасида тарғиб ва ташвиқ қилишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Хўжалик ғалла сотиш бўйича давлат шартнома режасини ҳар йили ортиғи билан бажаради. Фақат шугина эмас. Насиба тиниб-тинчимайдиган тадбиркорлар тоифасидан. Яқинда у 18 та тикув машинаси харид қилиб, касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан 15 нафарини иш билан таъминлади. Айни пайтда цех мижозлар билан доимо гавжум. У Китоб туман Кенгаши раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари этиб сайлангач, ўз фаолиятига янада катта масъулият билан ёндаша бошлади. Туманда 73 нафар фермер аёл иш юритаётган бўлса, уларнинг аксарияти партия аъзоси ҳисобланишади. Насиба Нурованинг келажакдаги режалари катта. Жумладан, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, мева шарбатлари тайёрлаш ва қадоқлашни йўлга қўйиш орқали 30 нафар хотин-қиз бандлигини таъминлашни режалаштирган. Ўндан ортиқ фермер ва тадбиркор аёллар унинг шогирдлари ҳисобланишади. "Узумзор" фермер хўжалиги раҳбари Муқаддас Тўраевага ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, янги боғ-роғлар ташкил этиш учун банкдан 25 млн. сўм кредит олишда амалий ёрдам кўрсатди.

– Бугунги куннинг аёли теран дунёқараши, янгича фикрлаши, билан ажралиб туриши, янги замонга мос тарзда яшаши ва ишлаши керак, – дейди Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Насиба Нурова. – Истиқлолимиз шарофати туфайли жамиятда аёлларнинг салоҳиятини юзага чиқариш, уларнинг баркамол авлодни тарбиялашдаги мавқеини янада ошириш ва кенг қамровли ислоҳотлар жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йуналишларидан бирига айланди. Аёл гўзал бўлса – олам гўзал, аёл бахтли бўлса – оила, бутун жамият бахтли бўлади, деган ажойиб тамойил онгу шууримизга тобора чуқурроқ кириб бораётгани ва бизнинг ҳаётий фалсафамизга айланаётгани янада қувонарлидир. Кенг қамровли, ташаббускор, масъулиятни чуқур ҳис этадиган хотин-қиз фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг юртимиз келажаги йўлидаги интилиши, изланишлари, юрт ривожидаги фаол иштирокини рағбатлантириш, мавжуд муаммоларни бартараф этишда яқиндан кўмаклашиш O'zLiDePнинг дастурий режаларидан кенг ўрин олган. Фермер аёллар ўзлари бошқараётган хўжаликда замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш билан боғлиқ янги-янги лойиҳаларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги кишида мамнуният уйғотади.

Кези келганда яна бир фермер аёл ҳақида ҳам тўхталиб ўтишни жоиз, деб билдик. Бу миришкорлик Ойбаҳор Ҳасановадир. 13 йилдан буён ер билан тиллашиб, ўзининг ҳалол меҳнати орқали обрў-эътибор топаётган Ойбаҳор опа партиявий тадбирларда иштирок этишга ҳамиша вақт топади. Унинг "Тонг юлдузи" фермер хўжалигида ўттиздан ортиқ турдаги мевали дарахт кўчатлари етиштирилиб, вилоят аҳолиси ва фермер хўжаликларига етказиб берилаяпти. Чорвачилик ва паррандачилик ҳам сердаромад тармоқларга айлантирилган.

Ўтган йили "Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага" лойиҳасида қатнашиб, 10 млн. сўмлик кредит эвазига "Шерали кўли" балиқчилик хўжалигини кенгайтирган ва 5 та янги иш ўринлари яратган ғузорлик Лайло Холматованинг ибратли фаолияти касб-ҳунар коллежларини битирган қизларда катта қизиқиш уйғотмоқда. "Диплом билан – бизнесга" кўрик-танловида қатнашиб, банкдан олинган 5 миллион сўмлик кредит эвазига ўз хонадонида чорвачиликни йўлга қўйган, Косон туманидаги Арабхона маҳалласида яшовчи Севара Ражабова ҳақида ҳам илиқ фикрларни айтиш жоиз. У жорий йилда банкдан яна 10 млн сўм молиявий кўмак олиб, чорва моллари бош сонини кўпайтириш ва 3 та янги иш ўрни яратишни ният қилган.

Умуман, воҳанинг қишлоқ ва маҳаллаларида O'zLiDeP мавкеини янада мустаҳкамлаш, партия сафларини ташаббускор ва ташкилотчи аёллар ҳисобига кенгайтириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга ҳар қачонгидан катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу жараёнда хотин-қизларнинг иштироки кенгайиб бораётганлиги таҳсинга лойиқдир.

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
"XXI asr" мухбири

# ҚОРАКЎЛДА ҚОВОҚ ПИШДИ

**Қадимги Хитой қўлёзмаларида ошқовоқни "Ўсимликлар маликаси" деб аташганича бор. Табобат илмининг султони Ибн Сино ҳам бу маҳсулотни минг дардга даво дея бежиз таърифламаган. Бухоролик деҳқонлар ўтган йиллар давомида ошқовоқ етиштиришда ўз тажриба мактабларини яратишгани айни ҳақиқат. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 апрелда қабул қилинган "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори вилоятнинг Қоракўл туманида деҳқончилик қилаётган қишлоқ мулкдорлари – пешқадам фермерларни ҳам руҳлантириб юборган эди.**

Ҳудуддаги Элбек Сирожов раҳбарлик қилиб келаётган "Ғафур Раззоқ" фермер хўжалиги экин майдонларида етиштирилган ошқовоқ, қовун, помидор, бақлажон каби ўндан ортиқ полиз ва сабзавот маҳсулотлари шу кунларда истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб берилмоқда



Дарҳақиқат, истиқлол йилларида бутун мамлакатимизда бўлганидек, Бухоро вилоятида ҳам аҳолини сифатли ва кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг замонавий тизими яратилди. Қабул қилинган фармон ва қарорлар эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ва сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг миллий стратегияси юртдошларимиз турмуш фаровонлигининг муҳим омилига айланганлигини шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз. Вилоят миқёсида сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятлари вақт ўтган сари кенгайиб бораяпти. Бугунги кунда ҳудуддаги мавжуд ғалла майдонлари атрофида 4351 погоно-километр, пахтазорлар атрофидаги 7298 погоно-километр масофада ҳам полиз экинлари етиштирилишида айнан шу долзарб мужассам эканлигини билиб олиш қийин эмас.

"Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусидаги халқаро конференцияда мамлакатимизнинг ноёб тупроқ-иқлим шароити, юртимизда қуёшли кунлар бир йилда ўртача 320 кун бўлиши, тўрт фаслнинг изчил алмашинуви кенг турдаги юқори сифатли мева ва сабзавот маҳсулотларининг асосий навларини етиштиришда муҳим аҳамият касб этиши, қулай имкониятлар яратиши хусусида бежиз сўз юритилгани йўқ. Бу ҳаётий ҳақиқатни тўла англаб етган вилоят фермерлари жорий йилда ҳам эзгу мақсад йўлида фаолият юритишмоқда.

**Зуҳра РАМАЗОНОВА,**
**O'zLiDeP Бухоро вилоят Кенгаши аппарати Матбуот хизмати раҳбари**

Фармон ва ижро

Шу кунларда мамлакатимиз далаларида махсар ҳосили ўриб-йиғиб олинмоқда.

# МОЙЛИ ЭКИНЛАР МАЙДОНЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

"Ўзпахтаёғ" акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналар янги ҳосилни қабул қилишга пухта ҳозирлик кўрди. Жумладан, фермер хўжаликлари билан хомашё етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланди.

– Ҳар йили аҳоли ва фермер хўжаликларида етиштирилган мойли экинлар қайта ишланади, – дейди жамиятнинг қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Жаҳонгир Ғаниев. – Жорий йилда маҳсулот ҳажмини янада кўпайтириш мақсадида мойли экинлар етиштириш истагидаги фермер хўжаликларига шартнома асосида уруғлик ва экиш харажатлари учун бўнак маблағлари ажратилди.

Илгари кунгабоқар фақат аҳоли томорқалари ва айрим хўжаликларда етиштирилар, асосий эътибор йирик уруғли, мағзи пўстлоғидан осон ажраладиган навларга қаратиларди. Энди унинг майда уруғли, таркибида ёғ миқдори кўп турларига талаб ортмоқда. Ушбу экинни етиштириш кўп харажат талаб қилмаслиги деҳқон учун ҳам қулай, ҳам даромадли соҳага айланмоқда.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида кунгабоқар, соя, кунжут, зиғир, ерёнғоқ, махсар етиштириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 октябрдаги "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони аҳолини ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлаш ва турини кўпайтиришда дастуриламал бўлаётир.

Бундай экинларнинг кенг миқёсда экилиши маҳаллий навларга бўлган талабни оширади. Мойли экинларнинг эртапишар, серҳосил, касалликларга чидамли янги навларини яратиш борасида Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг мойли экинлар селекцияси, уруғчилиги ва агротехнологияси бўлимида изчил изланишлар олиб борилмоқда.

Ана шундай тадқиқотлар натижасида яратилган бир қатор янги навлар давлат реестрига киритилди. Кунжутнинг "Достон", махсарнинг "Нодир", соянинг "Нафис", "Орзу", кунгабоқарнинг "Наврўз", "Дилбар" навлари шулар сирасидандир.

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг мойли экинлар селекцияси, уруғчилиги ва агротехнологияси бўлимидаги изланишлар самарасида 2014-2015 йилларда Сербиянинг далачилик ва сабзавотчилик институтидан кунгабоқарнинг "Душко" дурагайи келтирилиб, 16 гектар майдонда етиштирилиб, уруғлик тайёрланди. Жорий йилда тезпишар, серҳосил "Диёр" нави қишлоқ хўжалиги навларини синаш комиссиясига топширилди.

Четдан уруғлик келтириш миқдорини камайтириш мақсадида мойли экинларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва улардан такрорий экин сифатида фойдаланиш чоралари кўрилаётир. Жумладан, Қашқадарё вилоятининг Миришкор, Касби, Косон, Муборак, Қамаши, Қарши туманларидаги фермер хўжаликларида кунгабоқар ва кунжутнинг истиқболли навлари ғалладан бўшаган майдонларда экилиб, тажриба-синов ишлари олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда мойли экинлар майдонларининг кенгайтирилиши ва улардан тайёрланадиган маҳсулотларнинг кўпайиши аҳолининг ёғ-мой маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ҳамда чорвачиликни изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

# КУЛОЛЛАР СУЛОЛАСИ

**Ўзбекистон халқ устаси, "Дўстлик" ордени соҳиби, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси Алишер Нарзуллаев фаолиятига бир назар**

**– Қадим Бухорода, тўғрироғи, Ғиждувонда кулолчилик санъати манбалардан аниқланишича, бундан салкам 300 йил аввал шаклланган экан, – дейди машҳур кулол суҳбат орасида. – Шарофиддин чинни соз, Азим кулол, уста Нарзулло сингари ҳунармандлар ўз касблари сир-асрорларини ўлканинг турли шаҳар ва қишлоқларидан, айниқса, Қарши, Шаҳрисабз, Самарқанд, Хива ва Урганчдан келган ҳавасмандлар, ёшларга меҳр билан ўргатишган.**



Таъкидлаш жоизки, Ғиждувон кулолчилик мактаби, қолаверса Нарзуллаевлар сулоласининг асосчиси ва давомчиларидан бири 1790 йилда туғилган Шарофиддин Ғиждувоний (Шарофиддин чиннипаз) бўлиб, у асосан тўнғич ўғли Усто Эргаш кулол билан бирга ишлаган. Афсус, бу қўли гул усталар томонидан яратилган кулолчилик намуналарининг айримларигина бизгача етиб келган, холос. Эргашнинг фарзандлари – Нарзулло ва Тош сулоланинг кейинги давомчилари ҳисобланишади. Ўтган асрнинг 30-йилларида оммавий тус олган қатағон сиёсат таниқли кулоллар оиласини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Тош Эргашев репрессия қурбонларидан бири сифатида дом-дараксиз кетган бўлса-да, бу қўли гул уста томонидан яратилган кулолчилик буюмлари мустақиллик шарофати билан ўз қадр-қимматини топди. Эндиликда улар аждодларимиздан қолган беназир санъат асарлари сифатида алоҳида эъзозланмоқда.

Орадан йиллар ўтди. Моҳир кулол Нарзулло Эргашевнинг ўғли Ибодулло отаси изидан бориб, кулолчилик касб сир-асрорларини оиланинг бош фарзандларига ҳам сидқидилдан ўргатди. Чинакам устага хос сабр-чидам, нозик дид ва юксак маҳорат куртаклари Ибодулла Нарзуллаевда айни ўша даврда шаклланган бўлса, ажаб эмас. Шу боис, умр бўйи машаққатли меҳнат ва изланишлардан тўхтагани йўқ. Ўз кулолчилик фаолияти давомида у республика "Усто" бирлашмаси аъзоси, кўпгина кўрик-танловлар совриндори, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби сифатида эл-юртга танилди. И. Нарзуллаев ясаган кулолчилик буюмлари Россия, АҚШ, Германия, Бельгия Италия, Япония, Польша, Ҳиндистон, Мўғулистон, Швейцария, Беларусь ва бошқа давлатлардаги музей залларидан муносиб ўрин эгаллаганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Ибодулла аканинг катта ўғли – Алишер Нарзуллаев бугун оила анъаналарини муносиб равишда давом эттирмоқда. Унинг ижодига хос бўлган дастагул, мадоҳил, баргак, ислимий, доирагул нақшлари ўзининг нафис жилоси ва миллий бетакрорлиги билан ажралиб туради. Истиқлол шарофати туфайли юртимизда кулолчилик санъатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу эса Алишер Нарзуллаев каби истеъдодли инсонлар кучига куч, илҳомига илҳом бағишлаяпти.

Икки йил муқаддам ўзбек кулолчилик мактабининг таниқли вакили сифатида у Лиссабон шаҳрида тасвирий санъат асарларига бағишлаб ўтказилган "Вера – 2014" халқаро фестивалида олий мукофот – "Гран-при"ни қўлга киритганлиги ҳам бежиз эмас. Дунёнинг 16 давлатидан 100 га яқин рассом,



Қадриятларимиз

ҳунарманд, меъмор ва дизайнер иштирок этган ушбу нуфузли анжуман доирасида Ғиждувон кулолчилик мактаби ўзининг бутун қирралари билан тўла намоён бўлди, десак асло хато қилмаймиз.

– Маҳорат бир кунда шаклланмайди, – дейди А.Нарзуллаев. – Бунинг учун йиллар керак. Ўз касбига меҳр ва ихлос қўйган инсонгина чинакам уста бўлиб етишади. Шукр, иккала ўғлим – Олимжон ва Обиджонлар ёнимда. Уларнинг интилишларини кўриб қувонаман. Укам Абдулло ва жияним Акмалжон ҳам ота-боболаримиз касбини мукаммал эгаллашди. Эндиликда улар мустақил фаолият юритишмоқда. От ўрнини той босар, деганлари шу бўлса керак-да.

Мустақиллик шарофати билан кулоллар сулоласининг катта-кичик вакиллари кўпгина халқаро кўргазмалар ва кўрик-танловларнинг совриндорлари бўлишди. Ютуқ ва муваффақиятлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ, албатта. Ўзбекистон халқ устаси, республика Бадиий академияси аъзоси Алишер Нарзуллаевнинг маҳорат сабоғи оиланинг ёш аъзолари учун жуда қўл келмоқда. Таниқли кулол сифатида нафақат ўз фарзандлари, балки Япония, АҚШ, Дания, Корея, Афғонистондан ҳунар ўрганганн келган ихлосмандлари ва шогирдларидан ҳам қимматли маслаҳатларини аямайди. Эндиликда ғиждувонлик усталар томонидан ясалган безакли хумлар турли кўргазма ва танловларда мухлислар эътирофига сазовор бўлмоқда. Очиғи, юмшоқ лойни қўлда пишитиб, сўнгра уни чархда айлантирган ҳолда нафис ва жозибадор буюмлар кашф этиш ҳамда хумдондаги оловда тоблаб ҳақиқий мўъжиза яратиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу чинакам истеъдод эгасига хос бўлган миллий санъатдир.

– Камтарга камол, дея бежиз айтишмаган. Алишер Нарзуллаев ўзи ҳақида гапиришни унча хуш кўрмайди. Унинг таржимаи ҳоли бошқалариникидан деярли фарқ қилмайди. Ғиждувондаги 3-сонли умумтаълим мактабини битиргач, Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институтида таҳсил олди. Салкам 20 йил давомида бир қатор қурилиш ташкилотларида турли вазифаларда ишлади. Маълум муддат Ғиждувон тумани болалар ва ўсмирлар марказида, кейинчалик республика халқ усталарининг "Устазода" уюшмасида уста-кулол сифатида фаолият юритди. Салкам 10 йилдирки, Ғиждувон тумани "Устазода" халқ амалий ижодиёти ўқув маркази раҳбаридир. Шогирдларининг аксарияти ҳозирги кунда мустақил иш олиб боришмоқда .

– Алишер Нарзуллаев самарали хизматлари эвазига БМТ ва ЮНЕСКО нинг халқаро "Усто" сертификатига сазовор бўлган. 1999 йилги "Ташаббус" кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби сифатида "Тико" енгил автомашинаси билан тақдирланганлиги, 100 дан ортиқ халқаро кўргазма, фестиваль ва танловларнинг ғолиби ҳамда совриндори бўлганлигини эслатиб ўтиш ҳам ўринлидир.

Халқ эътирофига сазовор бўлган моҳир уста ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишни ўз партиявий бурчи, деб билади. Шу боис ҳамиша маҳалладошлари орасида. Зеро, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси сифатида ислоҳотларни чуқурлаштириш, Президентимиз Фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш, тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшиш унинг эзгу мақсадларидан биридир.

**Асхор ИСТАМОВ,**
"XXI asr" мухбири

**Тадбиркорлар ва фермерларни қўллаб-қувватлаш маркази томонидан Жаҳон атроф-муҳит куни муносабати билан Глобал экологик жамғарма Кичик грантлар дастурининг 6-босқичига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Мазкур тадбир аҳоли, айниқса, ёшларда табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, теварак-атроф мусаффолигини асрашга масъуллик туйғусини шакллантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.**

# Томчилаб суғоришнинг афзаллиги

– Лойиҳамиз Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалик ландшафтларини, жумладан, суғориладиган ва лалмикор ер майдонларини сақлашга йўналтирилган, – дейди Дастурнинг мамлакатимиздаги координатори Алексей Волков. – Маълумки, аграр сектор аҳолини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, унинг турмуш тарзи, саломатлигини сақлаш ва бошқа йўналишлар билан бевосита боғлиқ тармоқдир. Шу боис ҳам биз мазкур масалага алоҳида эътибор қаратганмиз.

Дастурнинг асосий мақсади – қишлоқ хўжалиги, саноат ҳамда ишлаб чиқаришдаги муаммоларни ўрганиш ва уларга ечим топиш билан бирга халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишдан иборат. Бу борада амалга оширилган лойиҳалар натижасида эришилаётган қатор ютуқларни келтириш мумкин. Масалан, тоғолди ҳудудларида писта кўчатларини экиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Ушбу нав ўзининг сувсизликка чидамлилиги ва юқори мослашувчанлиги билан лалми ерларда яхши ривожланади. Келажакда эса яйловлар ўзлаштирилиши билан бир қаторда писта етиштириш ҳамда қўшни ҳудудлардаги экологик вазиятни яхшилашга имкон яратилади. Бугунги кунда бундай майдонлар 7,5 минг гектар бўлиб, 2020 йилгача писта майдонлари 26 минг гектарга етиши белгиланган.

– Дастур кўмагида юртимиз шароитига мослаштирилган томчилаб суғориш тизимларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим, – дейди наманганлик тадбиркор Абдулвоҳид Болтабоев. – Ушбу тизимининг афзалликлари шундаки, интенсив боғнинг 1 гектарини бир марта суғоришда 46-48 метр куб сув тежашга эришиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, ҳамёнбоп маҳсулот ишлаб чиқариш билан бир қаторда сув захираларини сақлаб қолиш имконини беради.

**Севара АЗИМОВА,**
**"XXI asr" мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН МЕБЕЛЛАРИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАДА

Жорий йилнинг 8-11 июнь кунлари Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида "Мебель ва интерьер" халқаро мебель жиҳозлари кўргазмаси ўтказилади. Унда ўзбекистонлик мебелсоз тадбиркорлар ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этишади.

Кўп эмас, 15-20 йил аввал хонадонига ёки тўй-томошасига атаб мебель харид қилмоқни ният қилган ҳамюртларимиз қанча овора бўлганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Деярли танлаш имконияти йўқ эди. Бугун-чи? Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида пештоқига "Мебель" деб ёзилган кўркам дўконларни, манаман деган хорижлик мебель ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотидан фарқ қилмайдиган қўли гул маҳаллий ҳунарманд усталаримиз томонидан ишлаб чиқарилаётган гўзал мебелларни кўриб кўзлар қувнаяпти. Бундай муваффақиятларга мустақиллик шарофати туфайли эришаяпмиз-да!

– Мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйганимизга ҳали кўп бўлмади. Корхонамизга замонавий технологик ускуналарни ўрнатганимиз боис тайёрлаётган маҳсулотларимизни қисқа муддатда ташқи бозорда сота бошладик, – **дейди "Ixlos Mebel" МЧЖ раҳбари Зуҳриддин Нуриддинов.** – Олмаотада бўлиб ўтадиган халқаро кўргазмада айнан ўзимизда ишлаб чиқарилган, қолаверса, маҳаллий муҳитда ўсувчи хом ашё манбаидан тайёрланган маҳсулотларимизни намойиш этишни режалаштирганмиз. Бу борада бизга Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси яқиндан ёрдам берганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу нуфузли тадбирда жамғарма томонидан маҳсулотларимиз тақдимоти намойиши учун 18 кв.м. майдонли стенд харид қилиниб, барча шароитлар яратиб берилди. Бундай кўмак ўз навбатида биз тадбиркорларга маҳсулотларимизни жаҳон бозорларига олиб чиқишимиз ва хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли шартномаларни имзолашимиз учун катта имконият яратади.

Эътиборли жиҳати, ушбу кўргазмада ўнга яқин ишлаб чиқарувчиларнинг иштироки имтиёзли тарзда ташкиллаштирилмоқда.

**Шаҳло ҲАМРОЕВА**

# МОЗИЙГА ЭҲТИРОМ – КЕЛАЖАККА ИШОНЧДИР

*дейди "Ўзбектуризм" Миллий компаниясининг Қашқадарё вилояти бўйича ваколатли вакили Ўктам Хўжаёров.*



***Сайёҳларга юртимизнинг кўркам гўшалари қаторида Қашқадарё воҳасининг ўтмиши, бугунги ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ислоҳотлар самараси тўғрисида ишончли манбалар етказилаётгани учун вилоятга келаётган сайёҳлар оқими йил сайин кўпаймоқда. Агарда 2005 йили воҳага 30 минг нафар сайёҳ келиб, уларнинг 2,5 минг нафарини хорижликлар ташкил этган бўлса, 2015 йилда 66 минг нафар сайёҳ ташриф буюриб, уларнинг 5 минг нафардан ортиғини хорижликлар ташкил этди. Ўтган йили уларга 353,7 минг АҚШ доллари миқдорида хизмат кўрсатилган ҳолда бу кўрсаткич олдинги йилга нисбатан 20 фоизга ўсганининг ўзи ҳам сайёҳлик ривожига устувор вазифа сифатида қаралаётганлигининг яққол исботидир. Ўндан ортиқ туристик маршрутлар вилоятимизга ташриф буюраётган сайёҳлар хизматида.***

"Ўзбектуризм" Миллий компаниясининг Қашқадарё вилояти бўйича ваколатли вакили Ўктам Хўжаёров вилоятда туризмни ривожлантириш борасида фаол иштирок этиб келаётган ташаббускорлардан биридир. Унинг ҳаммуаллифлигида чоп этилган "Қарши шаҳар ёдгорликлари", "Буюк ибрат" ва "Шаҳрисабз тарихи" китоблари саёҳату-зиёрат ихлосмандларида қизиқиш уйғотди. Сайёҳларга сервис хизмати кўрсатишни жаҳон талаблари даражасига етказиш мақсадида туризм индустрияси тараққий этган Испания, Италия, Франция, Португалия, Бирлашган Араб Амирликлари, Япония, Германия, Австрия, Голландия, Бельгия, Венгрия, Чехия каби давлатларда бўлиб, ўрганганларини амалиётга татбиқ этиб келмоқда. Сўнгги йилларда вилоятда сайёҳликни янада ривожлантириш, йўналишларни кенгайтириш мақсадида меҳмонхоналар сони кўпайтирилиб, сайёҳларга кўрсатилаётган сервис хизмати яхшиланди. Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган халқаро ярмаркада Қашқадарёнинг туристик салоҳияти намойиш қилинди. Вилоят вакиллиги 2014-2015 йилларда Тошкентда ўтказилган туристик ярмаркаларда фаол иштирок этиб, "Ўзбекистон минтақасининг энг яхши тақдимоти" номинацияси совриндори ҳам бўлган.

Ўктам Хўжаёров O`zLiDeP фаоли сифатида партиянинг вилоят Кенгаши томонидан жойларда ташкил этилаётган тадбирларда қатнашиб, ташкилий-партиявий, ғоявий-сиёсий ишларни, бошланғич партия ташкилотлари ишини янада кучайтириш, қишлоқ жойларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, фермер хўжаликларида рентабелликни ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш ишларида фаол иштирок этади. Кейинги 3-4 йилда касб-ҳунар коллежларини тугатган ўнга яқин ёш тадбиркор унинг кўмаги билан ўз бизнесини йўлга қўйди.

– Вилоят ҳокимининг жорий йил 29 февралдаги "Қашқадарё вилоятида 2016-2017 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш орқали экспорт салоҳиятини ошириш дастури тўғрисида"ги қарорига асосан туризмни ривожлантириш Дастури қайта кўриб чиқилиб такомиллаштирилди, – дейди Ўктам Хўжаёров. – Дастурга киритилган 95 та лойиҳани амалга ошириш учун турли манбалардан 56,8 млрд. сўм сарфланади. Воҳамизнинг ўзига хос тарихий-маданий мероси имкониятларидан туризм ривожида самарали фойдаланиш, тарихий-меъморий ансамбллар ва обидаларни асрабавайлаш, таъмирлаш, туристик ва хизмат кўрсатиш объектларини бунёд этиш ва мавжудларини янгилаш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, пировардида янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Бундан ташқари вилоятда туризмни ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш мақсадида амалга оширилиши керак бўлган кенг қамровли ислоҳотлар, долзарб вазифалар дастурда белгилаб олинган.

Қашқадарёда олиб борилган яратувчилик ишларининг яққол кўриниши сифатида Қарши темир йўл шоҳбекати, "Китоб" темир йўл бекати реконструкция қилинганини айтиб ўтиш ўринлидир. Қатор маркетинг тадқиқотлари асосида яратилган "VisitKashkadarya.uz" портали имкониятларидан фойдаланган ҳолда вилоятнинг туристик бренди тайёрланди. Ҳозирда Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг жозибадор объектлари тасвирланган туристик карта-схема ишлаб чиқилмоқда. Экотуризм имкониятларини кенгайтириш мақсадида Миришкор туманидаги Ачинкўл сув ҳавзаси атрофида дам олиш маскани ва унинг инфраструктурасини барпо этиш ишлари жадал давом этаяпти. Скутерда сузиш, ўтов уйлар, кичик меҳмонхона, туристлар дам олиш маскани, автомобиллар тўхташ жойи, мобиль алоқа маркази, балиқ овлашга мўлжалланган сув ҳавзаси қуриб битказилди. Ўтовли оромгоҳ, чўмилиш ҳавзаси бунёд этилаяпти. Сув ҳавзасига қайиқлар, скутерлар келтирилиб, аҳолининг мириқиб дам олиши учун фойданишга топширилди. Воҳанинг тоғли Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ туманлари ҳудудида экологик, фаол, рекреацион ва қишлоқ туризмини, соҳада ҳали тўлиқ фойдаланилмаган Қарши шаҳри ва Қарши туманида маданий-маърифий туризмни ривожлантириш, ҳудудий туристик маҳсулотларни хориж бозорига чиқариш, табиий ва тарихий-маданий диққатга сазовор манзиллар бўйича янги сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш баробарида туристик хизматлар сифатини ошириш кўзда тутилган. Дастурга кўра дам олиш масканларининг асосий қисми Шаҳрисабз ва Китоб туманининг тоғолди зоналарида жойлашганлиги экотуризмни ривожлантириш имконини беради. Хорижлик сайёҳлар ташрифлари давомида табиат қўйнида сайр қилишиб, балиқ овлашлари, турли хил гиёҳлардан териб, дарё ва тоғлар тароватидан баҳра олишлари мумкин. Қарши шаҳридан Китоб тумани дам олиш зонасигача бўлган 126 км. масофада 4 қаторлик йўл қурилиши олиб борилаяпти.

Бир сўз билан айтганда, вакиллик томонидан Қашқадарё воҳасини дунёга танитиш мақсадида туризмни ривожлантириш, бунда замонавий коммуникация тизимидан фойдаланган ҳолда рекламани кучайтириш ва шу йўл билан сайёҳлар оқимини кўпайтиришга катта аҳамият қаратилаяпти.

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
**"XXI asr"мухбири**

*Хизматлар лицензияланган*

Реклама ўрнида

Маълумки, Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётни ривожлантириш, жаҳон андозаларига мос банк тизимини яратишга катта эътибор берилди. Ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилган бу каби кенг кўламли янгиланишлар бугун молия муассасаларига муҳим таянч бўлаётганини яққол кўриш мумкин.

Реклама ўрнида




# ЮРТ ОБОДЛИГИ ЙЎЛИДА

Акциядорлик тижорат "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Қашқадарё вилояти минтақавий филиали томонидан йўналтирилаётган кредитлар, энг аввало, миллий иқтисодиётни юксалтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратишга хизмат қилмоқда.

Банкнинг Қашқадарё минтақавий ва туман филиалларининг жорий йилдаги фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 15 январдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан белгилаб берилган 2016 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини изчил амалга ошириш, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва банкнинг инвестиция жараёнларидаги иштирокини янада такомиллаштиришга қаратилди ва бу соҳаларда барқарор ўсиш суръатларига эришилди.

## ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли ижтимоий-иқтисодий соҳаларда залворли натижаларга эришиляпти. Жумладан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар бир йилга алоҳида ном берилиб, шу асосда қабул қилинаётган Давлат дастурлари нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий-маданий жабҳаларнинг тубдан ривожланишини таъминламоқда, аҳоли турмуш даражасининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, фаровонликни ошириш, янги иш ўринларини яратиш, халқнинг турмуш даражасини янада яхшилаш каби вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилиб, унинг ижроси таъминланди.

2016 йил 1 май ҳолатига "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантириш ва қишлоқ аҳолиси турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида минтақавий филиаллар маблағлари ҳисобидан 24 млрд. 328 млн. сўмдан ошиқ, шундан қишлоқ жойларда 13 млрд. 688 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Аҳолининг фаол қисмига ўз бизнесини йўлга қўйиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида вилоят бўйича 11 млрд. 663 млн. сўм микрокредит берилди.

2016 йил 1 май ҳолатига жамиятимизнинг асосий бўғинларидан бири бўлган оила фаровонлигини таъминлаш, айниқса, ёш оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш, моддий қўллаб-кувватлаш, уларни уй-жой ва уй-рўзғор учун зарур маиший техникаларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида 21 та ёш оилага 1 млрд. 419 млн. 600 минг сўм кредитлар ажратилди.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, 2016 йил 1 май ҳолатига банк томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 3 млрд. 210 млн. сўм кредит ажратилди. 10 та касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларига жорий йилнинг 1 май ҳолатига 692 млн. 600 минг сўм кредит ажратилди. Вилоятимизда сервис хизматини янада яхшилаш, унинг кўламини кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари барпо қилиш мақсадларида 8 млрд. 165 млн. 700 сўмлик кредитлар ажратилди.

## МИЖОЗ ЭЪТИРОФИ

Вилоятнинг Яккабоғ туманида ташкил этилган "Дўстлик" масъулияти чекланган жамияти ҳам банкнинг имтиёзли кредити асосида тошни қайта ишлаб, қум-шағал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Корхона томонидан ойига ўртача 2500 куб метр маҳсулот ишлаб чиқарилаётган бўлиб, бугунги кунда намунавий уй-жой ва ижтимоий объектларни барпо этаётган қурувчи пудрат ташкилотларга етказиб берилаяпти.

– 2013 йил сентябрь ойида "Қишлоқ қурилиш банк" Қашқадарё минтақавий филиалидан 830 миллион сўм миқдорида кредит олишга қарор қилдим, – дейди Яккабоғ туманидаги "Дўстлик" МЧЖ раҳбари Фарҳод Нормахматов. – Банк ходимларининг бевосита маслаҳат ва ёрдами билан қисқа муддатда имтиёзли кредит ажратилди. Лойиҳа амалга оширилгандан сўнг корхонада 5 та янги иш ўрни яратилди. Корхонамизда малакали ишчилар қатори касб-ҳунар коллежини тугатган ёш мутахассислар ҳам меҳнат қилишади. 2014 йилда жамиятимиз ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш ва янги иш ўринларини яратмоқчимиз, – дейди тадбиркор.

Айни пайтда молия муассасасида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрда қабул қилинган "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини сўзсиз таъминлаш ва жисмоний ва юридик шахсларга қулайликлар яратиш мақсадида банк пластик карточкалари орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, вилоят бўйича банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 2016 йил 1 май ҳолатига 58 246 тани ташкил қилди. Пластик карточка эгалари самарали фойдаланишлари учун 616 тадан ошиқ савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларида ҳисоб-китоб терминаллари ўрнатилди. Шуниси аҳамиятлики, бугунги кунда савдо ташкилоти ёки хизматлар соҳасига ёхуд пластик карточка эгасига қайси банк орқали хизмат кўрсатилаётганидан қатъи назар, банк операцияларини барча савдо шохобчаларида ягона режимда олиб бориш имконини берувчи тизим мавжуд.

Банк томонидан анъанавий хизмат турлари билан бир қаторда, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда тақдим этилаётган хизматлар сифати яхшиланиб, улар кўлами кенгайтирилмоқда. Чунки мижозлар учун қулай бўлган янги хизмат турларининг жорий қилинаётгани туфайли эндиликда улар банкка келмасдан туриб, "Банк-мижоз", "мобиль-банкинг" "СМС-банкинг" тизимли тармоғи орқали реал вақт режимида ўз банк ҳисоб варақлари бўйича амалиётларни бажариш имконига эга бўлмоқдалар.

Давлатимиз раҳбари томонидан банк тизимини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида бугун "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Қашқадарё минтақавий филиали фаолияти самарадорлиги таъминланмоқда. Бу эса вилоятда кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбирликни қўллаб-қувватлашда ҳамда ҳудуд иқтисодиётининг юксалишига мустаҳкам замин яратмоқда.

**"Қишлоқ қурилиш банк" Қашқадарё минтақавий филиали маълумотлари асосида "XXI asr" мухбири Мусурмон РЎЗИЕВ тайёрлади.**

# ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

## Абдулла АВЛОНИЙ:

Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурган китобни ахлоқ дейилур.

***

Инсон икки нарсада мураккабдур. Бири жасад, иккинчиси нафсдур. Жасад кўз ила бор нарсаларни кўрур. Аммо нафс идрок ила яхшини ёмондан, оқни қорадан айирур. Жасаднинг ҳам, нафснинг ҳам бирор сурати бордурки, ё яхши ва ё ёмон бўладур.

***

"Бир тоғнинг ўрнидан кўчиб кетганини эшитсангиз, ишонингиз, аммо бир одамнинг хулқи бошқа бўлди деб эшитсангиз ишонмангиз", – демишлар.

***

Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслакини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмакдур. Тарбия қилгувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилган каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига "яхши хулқ" деган давони ичидан, "поклик" деган давони устидан беруб, катта қилмоғи лозимдур.

***

Ахлоқимиз биносининг гўзал ва чиройли бўлишига тарбиянинг зўр таъсири бордур, баъзилар "тарбиянинг ахлоққа таъсири йўқ, инсонлар асл яратилишида қандай бўлсалар, шундай ўсарлар, табиат ўзгармас", – демишлар. Лекин бу сўз тўғри эмасдур. Чунки тарбиянинг ахлоқға, албатта, таъсири бўладур. Орамизда масал борки, "сут ила кирган, жон ила чиқар", мана бу сўз тўғридур.

***

Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилинуб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадур. Фикр инсоннинг шарофатлик, ғайратли бўлишига сабаб бўладур.

***

Қаноат бир хазинадурки, нақдинаси кундан-кун ортар. Бу хазинага эга бўлган кишилар умрларини шавқ ва роҳатда кечирурлар. Бунинг ила баробар қаноатсизликдан пайдо бўладурган ҳасад деган жоннинг энг зўр душманидан қутулурлар. Чин инсонлар кишининг молина, мулкина, саодатина, маишатина ҳасад қилмас, қаноатдан айрилмас, умрини роҳатда ўткарур.

***

Илм деб ўқимак, ёзмакни яхши билмак, ҳар бир керакли нарсаларни ўрганмакни айтилур. Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидур. Чунки илмсиз кишилар ота-онасига, қариндош-уруғига, ёр-дўстига, дин ва миллатига фойда еткурмак бир тарафда турсун ўз устига лозим бўлган ибодат ва тоатни ҳам лойиқича қила олмас.

***

Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур.

**"Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асаридан**


## Ҳурматли юртдошлар!

# "Асака" банк

ASAKA BANK

**яқинлашиб келаётган "Мустақиллик куни" байрами муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:**

## "МУСТАҚИЛЛИК – 25"

*Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*



**Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| Филиаллар | Код | Телефонлар | Филиаллар | Код | Телефонлар |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 | Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади**

**Сизнинг омонатларингиз :**

*– солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!*
*– маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
*– эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
*– миқдори чекланмаган!*

## "Асака" банк – сармоянгизнинг сақланишини ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

*Хизматлар лицензияланган*


**Ташаббускор хотин-қизларнинг ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини таъминлаш, жойлардаги ишбилармон аёлларни мунтазам қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли фаровонлигини оширишга кўмаклашиш O'zLiDeP Фарғона вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" фаолиятининг ҳам асосини ташкил этади. Юзлаб тадбиркор ва фермер опа-сингилларимизни ўз атрофига бирлаштирган ҳудудий бўлим "Соғлом она ва бола йили"даги ўз ишини мавзулар хилма-хиллиги эвазига янада жонлантирмоқда.**



## "Аёллар қаноти":

# МАҚСАД АНИҚ, ЮТУҚЛАР ҲАМ КЎП

– Аёлларимизнинг оилапарварлиги, меҳнатсеварлиги яхши фазилат, албатта. Бироқ, чуқур билим ва кўникмага эга бўлмаган, соҳа ривожи учун яратилаётган қонунларни ўрганмаган тадбиркор бизнесни тўғри йўлга қўя олмаслиги табиий ҳол, – дейди O`zLiDeP Фарғона вилоят Кенгаши раиси ўринбосари Зилола Собирова. – Шуни инобатга олган ҳолда, асосий эътиборни ишбилармонлар манфаатини ифодаловчи тадбирлар ва ўқув семинарларини ташкиллаштиришга қаратаяпмиз. Хусусан, ўтган йили хотин-қизларнинг иқтисодий билим ва ҳуқуқий онгини ошириш йўналишида жами 69 та тарғибот тадбири ўтказдик. Ишонч билан айтиш мумкинки, уларнинг ҳеч қайсиси бесамар кетмади. Сафимиз 1 минг 300 нафарга ортди. Изланишларимиз жорий йилда ҳам ўз ижобий самарасини бермоқда. Масалан, иккинчи чорак давомида тижорат банклари томонидан 264 млн. сўмлик маблағ тадбиркорликни бошловчи опа-сингилларимиз фаолиятига йўналтирилди. Натижада 35 та янги иш ўрни яратилди. Лекин камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Яқинда амалга оширилиши кутилаётган истиқболли лойиҳаларимиз бўлим фаолиятини жонлантирибгина қолмай, шахсий бизнесини йўлга қўйишда иккиланаётган хотин-қизларнинг ўзига бўлган ишончини ортишига хизмат қилади, деб ўйлайман. Зеро, улар оила бахти, жамият таянчи, асосийси, келажагимиз эгаларининг тарбиячисидир.

Ана шундай ташаббускорликни O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда бу бўлим ўз атрофига мингдан ортиқ партия аъзосини бирлаштирган. Статистик маълумотларга кўра, вилоятдаги жами 2669 нафар тадбиркор опа-сингилларимизнинг 1401 нафари, фермерлик соҳасидаги аёлларнинг 847 нафари айни кунда O'zLiDeP аъзоларидир.

"Соғлом она ва бола йили"да партия ташкилоти томонидан томорқадан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда хусусий секторни ривожлантириш каби мавзулардаги қизиқарли тадбирлар ташкил этилиши кўплаб опа-сингилларимизнинг бизнес билан шуғулланишга қизиқиши ортишига сабаб бўлмоқда.

– Оиланинг мустаҳкамлиги юксак маънавият баробарида унинг иқтисодий эркинлигига ҳам боғлиқ. Демакки, O'zLiDePнинг аҳоли орасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган чора-тадбирлари ҳар қачонгидек муҳим аҳамият касб этади.– дейди O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" раҳбари Шоира Ҳасанова. – Шу нуқтаи назардан ҳам асосий эътиборни чекка қишлоқлардаги аёлларимизни қўллаб-қувватлашга қаратаяпмиз. Яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадида хотин-қизлар ўртасида ҳунармандчилик, касаначилик ва оилавий бизнеснинг бошқа қулай усуллари тарғиботини кучайтирдик. Ҳозирга қадар ушбу йўналишда вилоят кесимида жами 63 та учрашув ташкиллаштирдик. Хотин-қизлар ўртасида оилавий бюджетни аниқлаш, йиллик таҳлил ўтказиш, ойлик харажатларни бошқаришга ўргатувчи "Менинг оилавий бюджет китобчам" номли кундалик дафтарларини юритиш бўйича "Ўз кўрсаткичингизни белгилаб олинг" номли ўқув-семинарлари ташкиллаштириш масалалари хусусида иш олиб бораяпмиз.

**Наргиза ҚАҲҲОРОВА,**
**"XXI asr" мухбири**

# СПОРТ янгиликлари

## "ПАХТАКОР"... РОССИЯДА МАҒЛУБИЯТСИЗ ЎЙНАДИ

Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси тарбияланувчилари Россиянинг Калуга шаҳрида якунланган 2002 йилда таваллуд топган футболчилардан иборат жамоалар ўртасидаги халқаро турнир ғолибига айланди. Дилшод Нуралиев шогирдлари ҳал қилувчи финал учрашувида Беларуснинг "Динамо-Минск" клубини 2:0 ҳисобида мағлуб этишди.

Ёш "шерлар" турнир мобайнида бирор марта ҳам мағлубиятга учрашмади. "А" гуруҳида иштирокини бошлаган "Пахтакор" Абхазиянинг "Динамо Сухуми", мезбонларнинг "Калуга" ҳамда Руминиянинг "Жуниорул" клублари билан куч синашди. Ярим финалда эса Россиянинг "Краснодар" клуби аъзоларини йирик 5:1 ҳисобида енгишди.

## ЖАЛОЛХОННИНГ БРОНЗА МЕДАЛИ

Вьетнамнинг Хо Ши Мин шаҳрида енгил атлетика бўйича 1997-98 йилларда таваллуд топган спортчилар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Қитъанинг иқтидорли атлетлари иштирокида ўтган мазкур мусобақада ҳамюртимиз Жалолхон Тиллаволдихўжаев босқон улоқтиришда 63 м. 77 см. натижа кўрсатиб, бронза медали соҳиби бўлди.

## КУБОККА ИНТИЛЯПТИ

Тажрибали теннисчимиз Оқгул Омонмуродова Германиянинг Эссен шаҳрида саралаш баҳслари давом этаётган турнирдаги навбатдаги ғалабасини қўлга киритди.

Ҳамюртимиз соврин жамғармаси 50 минг АҚШ долларини ташкил қилувчи ушбу мусобақанинг саралаш босқичида немис теннисчилари – Юлия Микунскини 6:3, 6:3, Мишель Эркенсни 6:1, 6:3 ҳамда Яна Мордергерни 6:4, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

## ЭРТАГА "ЕВРО-2016" БОШЛАНАДИ!

Эртага Францияда футбол бўйича Европа чемпионатига старт берилади. Бир ой давом этадиган мусобақада кўҳна қитъадан 24 та жамоа ғолиблик учун кураш олиб боради. Маълумот ўрнида айтиш жоиз, ўн тўртинчи бор ташкил этилаётган мазкур футбол шоусида Испания терма жамоаси энг кўп (3 марта 1964, 2008, 2012) зафар қучган бўлса, энг кўп гол урган германиялик футболчилардир. Турнирда энг кўп мағлубиятга учраган команда Дания термаси экан (14 та ўйин). Энг муросасоз жамоа сифатида Италия терма жамоаси – 15 та ўйинда рақиблар билан дуранг ўйнаган.

УЕФА маълумотига кўра, "Евро-2012" мусобақасини 8,1 млрд. мухлис ТВ орқали томоша қилган эди. "Евро-2016" мусобақасининг телеаудиторияси эса бу кўрсаткичдан анча ошиб кетиши тахмин қилинмоқда.




**Диёр МАМАТҚУЛОВ тайёрлади.**


**ЭЪЛОН**

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси партия логотипи туширилган қуйида келтирилган тарғибот-ташвиқот воситаларини харид қилиш бўйича танлов ўтказмоқда:

- O'zLiDeP байроқчаси (ўлчамлари 24см х 14.5см) – 11 000 дона
- Ўзбекистон давлат байроғи (ўлчамлари 24см х 14.5см) – 11 000 дона
- Байроқчалар учун флагшток (битталик, пластмассали) – 21 400 дона
- Байроқчалар учун флагшток (битталик, темирлиси) – 600 дона

Батафсил маълумот олиш учун телефонлар:
0 (371) 254-04-69, 0 (371) 281-49-67

## Тадбиркорга мададкормиз!

"Қўқон синов ва сертификатлаштириш маркази" Давлат корхонаси мутахассислари сифатли, рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган, экспортбоп, дунё стандарти талабларига тўла жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни қайта ишлашни ташкил этган тадбиркорлар, кўп тармоқли фермер хўжаликларига маҳсулотлар учун мувофиқлик сертификати олишда ёрдам беради.

Халқаро ISO 9001 – "Сифатни бошқариш тизими"ни корхонангизда жорий этишда ҳам марказимизнинг малакали мутахассислари, эксперт-аудиторлари сизга доимо яқин маслаҳатчи ва кўмакчи бўладилар.

Хонадонингиз ёки корхонангизга ўрнатилган мавжуд ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш учун ҳам мутахассисларимизга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Муҳтарам тадбиркорлар, азиз истеъмолчилар!**

Сиз "Қўқон синов ва сертификатлаштириш маркази" Давлат корхонасининг 0-373 543-11-13 рақамли "Ишонч телефони" ёки www.qoqonssm.uz веб-сайтимиз орқали ўзингизни қизиқтирган барча саволларга тез ва аниқ жавоб олишингиз мумкин.

***Сизнинг мурожаатингиз бизнинг эътиборимиздан қолмайди. Чунки биз Сизнинг хизматингиздамиз!***

**Манзилимиз:** Қўқон шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 1-А-уй.
**Телефонларимиз:** 0-373 543-11-14. факс: 0-373 543-11-12.
**e-mail:** qoqonssm@rssm.uz

"Қўқон синов ва сертификатлаштириш маркази" Давлат корхонаси

*Хизматлар лицензияланган*


XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR
MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР:** Норқобил ЖАЛИЛОВ.
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.
**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият – 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими – 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими – 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими – 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими – 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** xxi_asr@umail.uz

**"XXI ASR"** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
"Ўзбекистон" НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ.
Буюртма рақами: S 6181 Тираж: 12178
Баҳоси келишилган нархда. Топширилди – 20:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
©"XXI asr"дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер **Маъруфжон Раҳмонов** томонидан саҳифаланди.
**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

Навбатчи: С.ЗОИРОВ.